БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 246 (19.622). • 1986 йил 31 октябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁ БИЛАН

— КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси зафарларга чорлайди,— дейди Марғилон ипак комбинати пиллакашлик фабрикасининг бригада бошлиғи Бахтиёр Ҳусанов. — Бу оташин даъватномада маҳсулотни қўпайтирибгина қолмай уни сақлаш, тежамкор усулларда ишлаб чиқариш масалаларида ҳам жуда муҳим гаплар айтилган. Шунга биноан биз беш йиллик мобайнида тежалган хом ашё ва бошқа моддий ресурслар билан камида 12 кун ишлашга қарор қилганмиз.

Йилнинг ўтган ойлари ичида бригада ишчилари сўзлари билан ишлари бир эканлигини кўрсатдилар. Улар тежалган хом ашё билан икки кун ишлаб, 65 килограмм хом ипак тайёрлаб топширдилар. Маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сорт билан қабул қилинди.

Коллектив Улуғ Октябрь 69 йиллиги байрамигача яна бир кун фақат тежалган хом ашё ва электр энергия ҳисобига ишлашга ахд қилди.

Корхонада тежамкорлар сафи тобора кенгаймоқда.

А. ҚУТБИДДИНОВ.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилади:

Шўрчи райони — район партия комитетининг секретари К. Эшбоев, район ижроия комитетининг раиси У. Мустафоев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси У. Т. Чўтбоев, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Соатов, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Н. Мавлонов, район комсомол комитетининг секретари М. Н. Абдураҳмонов;

Ленинград райони —район партия комитетининг секретари А. Пайғамов, район ижроия комитетининг раиси О. Эргашев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси Ю. Эсонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Назаров, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Асқаров, район комсомол комитетининг секретари Р. Усмонова;

Кегайли райони —район партия комитетининг секретари С. Ержонов, район ижроия комитетининг раиси Д. Қўшқарбоев, район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси О. Бойжонов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Б. Болтабоев агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси М. Хўжамуротов, район комсомол комитетининг секретари С. Менлимуратов.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ПОКИЗА ЯШАЙЛИК

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳозирги туб бурилиш босқичидаги фаолиятида социал адолатни қарор топтириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, текинхўрлик, юлғичликка қарши курашга каттта эътибор берилаётир. Доҳиймиз В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг тонготаридаёқ социалистик жамият қуриш учун темир интизом зарур эканлигини таъкидлаган эди. Бу борада совет кишилари олдига қўйилаётган талаблар қонунчилигимизда батафсил баён этилган. Социализм шароитида жамият, коллектив ва шахс манфаати уйғунлашган бўлиб, «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принцип амал қилади.

Кейинги вақтда республикамизда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Совет қонунчилиги бошқарувнинг янги усул ва услубларини жорий этишга кўмаклашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан сўнг халқ бахт-саодати йўлидаги ҳалол ва виждонан қилинган меҳнат алоҳида эътибор ва ғамхўрлик билан шарафланмоқда.

КПСС XXVII съезди кўрсатмаларини амалга ошириш жараёнида жамият ҳисобига кун кечириш, исрофгарчилик, ўғирлик, кўзбўямачилик каби турмуш тарзимизга зид кўринишларга муросасизлик кучайди. Ғайриқонуний фаолиятнинг барча кўринишлари қораланмоқда.

Муҳим томони шундаки, меҳнат аҳли ҳаётимиздаги иллатларга қарши курашни маъқуллаб кутиб олмоқда. Улар сиёсий, социал-иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу ишларга ҳайрихоҳлик билдирмоқдалар. Социалистик турмуш тарзимизга зид ва яроқсиз ҳолатлар нишларнинг нафрати ва газабини қўзғатмоқда.

Текинхўрлар қилмишларига яраша жазоланмоқдалар, албатта. Аммо, бу масаланинг бир томони, холос. Тан олиш керакки, жойларда талон-торож қилиш, чайқовчилик порахўрлик ҳамон учраб турибди. КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида жойларда хизмат учун қўшимча ҳақ ундириб олиш, гражданларни алдаш, ошна-оғайнигарчилик фактларига йўл қўйилаётганлиги, мансабдор шахслар хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга ўтиб олаётганликлари рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Давлатга тегишли машиналар, механизмлардан, транспорт воситалари, уй-жой майдонидан, ёқилғи, хом ашё ва материаллардан бойлик орттириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Бу, табиийки, ҳар бир меҳнатчи, коммунист, халқ депутати — барчани безовта қилмоқда, салбий ҳолатларга қарши курашда жамоатчилик фикри ва совет қонунлари кучидан оқилона ва қатъий фойдаланишга даъват этмоқда.

«Жиззах областининг Ғаллаорол, Дўстлик, Бахмал районларида,—деб ёзишади газетхонлардан Т. Эргашев ва А. Имомовлар, — бир қатор савдо шохобчаларида совет савдоси қоидаларини ўпол равишда бузиш, харидорлар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Таажжубланарли жойи шундаки, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг юлғич сотувчилар билан муросада бўлиши, келишувчилик қилиши фактлари учраётир». Текшириш давомида бу сигнал тасдиқланди. Мана шу хатдаги каби салбий фактлар жойларда ҳамон содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳридаги маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводи директори Е. В. Гейфман «Ўзпромвентиляция» трестининг монтажлаш бошқармаси ходимлари билан келишиб, қалбаки меҳнат дафтарчалари тайёрлаш билан шуғулланган. Ана шу йўл билан давлатнинг катта миқдордаги пуллари ўзлаштирилган. Маиший хизмат министрлигининг айрим цех бошлиқлари кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқидан фойдаланиб, рухсат этилмаган маҳсулотларни қонунсиз равишда ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар. Тошкент маданият институти педагогика ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси С. Ғафуров кириш имтиҳонлари вақтида З. Узоқова исмли аёлдан пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Бухоро давлат педагогика институтининг сиртқи таълим бўйича проректори Д. Рамазов ва шу институтнинг ўқитувчиси Х. Бобоқулов порахўрлик билан шуғулланганлар.

Жойларда ер қонунчилигини бузиш, экин майдонларини талон-торож қилиш ҳоллари содир бўлмоқда. Тошкент, Самарқанд областлари ва Тошкент шаҳрида коллектив боғдорчилик ширкати аъзолигига ҳеч қандай дахли бўлмаган кишилар қабул қилинаётганлиги билан асло келишиш мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, меҳнатсиз даромадларга қарши курашда барча министрлик ва идоралар ҳам керагича фаоллик кўрсатаётгани йўқ. Ҳамон давлат савдоси, матлубот кооперацияси, маиший хизмат ва бошқа тармоқларда ички назорат ишлари сust йўлга қўйилмоқда. Тафтишлар юзаки ва сифатсиз ўтказилаётир. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида ноаниқлик, келишувчиликка ўтиш ҳоллари ҳам бор.

Бугунги вазият ҳаётимиздаги салбий ҳолларга қарши актив кураш олиб боришни тақозо этмоқда. Бу соҳада ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Имкониятига яраша яшамаётган шахсларга нисбатан совет қонунлари ва жамоатчилик фикрининг бутун кучидан оқилона фойдаланиш зарур. Декларация системасидан, гражданлар шахсий даромадларининг қонунийлиги устидан назорат қилишнинг бошқа турларидан кенг фойдаланиш, етказилган зарарни бир неча баробар қилиб ундириб олиш тартиби жорий этилиши лозим.

Шунга эришиш керакки, жамият ҳисобига бойлик орттиришга рўҳу қўйган кимсалар ўз қилмишлари учун муқаррар жазоланишларини билсинлар. Бунда суд, милиция, прокуратура органлари доимо жамоатчиликка таяниб иш қилишлари, меҳнат коллективлари билан бақамжиҳат ҳаракат қилишлари ғоят самарали бўлади. Ўртоқлик судлари, тартибни назорат этувчи жамоатчилик пунктлари, кўнгилли халқ дружинаси сингари жамоатчилик ташкилотларининг кучидан оқилона фойдаланиш лозим.

Айни вақтда тегишли қонунларни қўлланишда шошилмаслик, пала-партиш иш тутмаслик муҳимдир. Партия ва ҳукуматимизнинг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини қўлланишда баъзан ноаниқликлар содир бўлганлиги маълум. Томорқасида ҳалол меҳнат эвазига етиштирган маҳсулотини сотаётган меҳнатчидан чайқовчини, колхоз-совхозларда планни ошириб бажарганлиги учун берилган маҳсулотни бозорга олиб чиққан деҳқондан текинхўрларни ажрата билиш лозим. Ҳалол меҳнати билан қўшимча иш ҳақи оладиган кишиларни шубҳа остига олишга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бозорнинг ўз қонуниятлари борлигини унутмаслик керак. Ўртоқ М. С. Горбачев Узоқ Шарқ меҳнаткашлари билан учрашувда бозор масаласига маъмурий йўл билан аралашиш салбий натижа бериши мумкинлигини айтиб ўтган эди. Агар бозор хилма-хил товарлар билан таъминланмас экан, тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш борасидаги куч-ғайрат тегишли самарани бермайди, халқ фаровонлигини ошириш вазифаси бажарилмай қолаверади. Кейинги вақтда Тошкент шаҳрида колхоз-совхозларнинг тасарруфида сабзавот дўконлари очилди. Наманган шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида давлат йўли билан тандир нони тайёрлаб сотиш тажрибаси пайдо бўлди. Бу сингари омилларга қанот бағишлаш маҳаллий Советлар, агросаноат бирлашмалари, давлат савдоси ва умумий овқатланиш бошқармалари, матлубот кооперацияси ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Текин даромад топиш, ҳаётга енгил кўз билан қараш, турли қонунбузарликларга қарши кураш йўллари ниҳоятда хилма-хилдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотларнинг масъулиятини қатъият билан ошириш, аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштириш, кишиларни қайта қуришда фаол иштирок этишга тайёрлаш, хусусий мулкчилик психологиясига муросасизликни кучайтириш ана шу йўналишлардандир.

Ватан бахт-саодати йўлидаги ҳалол меҳнат ҳар бир кишининг муҳим бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчани омма онгига сингдириш партия комитетлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ғоявий-сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Бинобарин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида таъкидланганидек ишчанлик, тежамкорлик, ҳалоллик, ишга виждонан муносабат, нечоғли инсофли бўлиш, ҳушёр турмуш тарзи шиорлари актуал ва айни вақтда узоқ муддатли сиёсий талаблар бўлиб, соғлом маънавий муҳитнинг яратилиши, меҳнат муваффақиятларини оширишнинг муҳим гаровидир.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИ КУЧАЙМОҚДА

XII БЕШ ЙИЛЛИК

ПЕШҚАДАМЛИКНИ ҚЎЛДАН БЕРМАЙ

Андижон область Ленин районидаги «Социализм» колхози меҳнатчилари қўёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишмоқда. Йиғим-терим — транспорт конвейери ишининг пухта ташкил этилиши туфайли суръат бир зум ҳам сусаймаяпти.

Хўжаликдаги бригадалар ўртасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Дала меҳнаткашлари учун барча шароитлар муҳайё. Шийпонлар яхши жиҳозланган. Хўжалик шифохонасининг ходимлари ҳар куни бригадаларда бўлишяпти. Тушлик вақтида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилаётир.

Зафар маррасига яқинлашаётган пахтакорлар Улуғ Октябрнинг 69 йиллигига қадар она-Ватанга 7 минг тонна «оқ олтин» териб топширишга ахд қилишган. Бу —йиллик топшириққа нисбатан 500 тонна кўпдир.

Суратда: илғор бригада бошлиғи Ўғилхон Қорабоева механизатор Аҳад Ҳисомиддинов терган пахтанинг сифатини кўздан кечирмоқда. Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	0,75	98,17	0,20	60,69
Тошкент	1,02	97,11	0,30	98,43
Сурхондарё	1,24	87,41	0,56	86,55
Наманган	1,05	86,63	0,85	73,57
Сирдарё	1,01	85,38	0,60	95,61
ҚҚАССР	1,05	81,88	0,49	56,41
Хоразм	0,86	77,68	0,87	40,96
Андижон	1,10	72,41	0,59	46,00
Бухоро	0,50	70,67	0,10	13,42
Жиззах	1,01	69,27	0,49	63,80
Самарқанд	1,13	66,11	0,20	35,64
Навоий	0,79	54,35	0,34	20,30
Қашқадарё	0,81	51,49	0,45	34,86
Республика бўйича:	0,95	77,39	0,47	58,21
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	2,10	138,13	1,16	158,81
Наманган	1,52	97,10	—	1,90
Навоий	1,96	89,61	1,26	9,06
Бухоро	1,06	70,65	—	—
Қашқадарё	1,27	49,15	1,36	48,50
Республика бўйича:	1,78	105,88	1,17	113,49

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ

Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётган Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Бу ерда пахта топшириш бўйича қабул қилинган социалистик мажбурият муваффақиятли уддаланди. Ҳозиргача уйилган хирмон 6156 тоннани ташкил этди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 35,8 центнерга етказилди.

* * *

Коммунистик районидаги «Правда» колхози миришкорлари дастлабки довондан ошдилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 6530 тонна «оқ олтин»нинг 87 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

ҚҚАССР

Қўнғирот райони дала меҳнатчилари пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 10764 тонна хом ашё етказиб берилди. Ялпи хирмоннинг 4170 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Район пахтакорларининг янги марраси ялпи ҳосилни 11 минг тоннага етказишдан иборат.

СУРХОНДАРЁ

Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозида пахта тайёрлаш плани бажарилди. 2100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиниб, республика хирмонига 7341 тонна «оқ олтин» топширилди. Замон Ўтаев, Менгли Имомов, Ҳуррам Сангиров, Абдуқодир Қобуловлар бошлиқ илғор бригадаларда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 38—48 центнер бўлди. Хўжалик азаматлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришаётир.

НАМАНГАН

Косонсой районидаги «Правда» колхози механизаторлари машина терими планини бажардилар. «Зангори кема»лар ёрдамида уйилган хирмон 2100 тоннага етди. Ҳар бир агрегат ёрдамида ўртача 100 тоннадан пахта териб олинди.

* * *

Задарё районидаги «Наманган» совхозининг 8-бўлими пахтакорлари пландаги 520 тонна ўрнига 675 тонна пахта тайёрлаб, социалистик мажбуриятларини бажардилар.

ФАРҒОНА

Бувайда районидаги Калинин номли колхозда зафар марраси эгалланди. Она-Ватан калининликлардан 5484 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Хўжаликда яна 500 тонна пахта тайёрлаш учун қизғин кураш кетмоқда.

СИРДАРЁ

Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхози деҳқонлари йиллик план муваффақиятли адо этилганлиги ҳақида рапорт бердилар. 5559 тонналик хирмон уйган ғолиб пахтакорлар яна давлатга 600 тонна пахта етказиб беришни кўзлашмоқда.

ЖИЗЗАХ

Пахтакор районидаги Кичанов номли совхознинг Исмат Норқўзиев бошқарувчилик қилаётган бўлими аъзолари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Тайёрланган 1400 тонна «оқ олтин»нинг 1120 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди.

САМАРҚАНД

Пахтачи районидаги Свердлов номли колхоз дала гвардиячилари кўзланган довонни эгалладилар. Улар 1050 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар бункеридан тўкишди. Пешқадам механизаторлардан — Ҳикмат Муҳаммадиев, Абдуғаффор Раҳимов, Раббим Абдуллаев, Муҳаммади Нарзиевларнинг ҳар бири 85—100 тоннадан пахта теришга эришди.

АНДИЖОН

Бўз районидаги педагогика билим юртининг 1280 кишилик коллективи Ленин комсомоли юбилейини пахтазордаги зарбдор меҳнат билан кутиб олдилар. Улар ҳар куни 40—50 тоннадан пахта теришяпти. Бўлажак педагогларнинг ҳозиргача Бўз райони хўжаликлари хирмонига топширган пахталари 2170 тоннага етди.

БУХОРО

Қалб амри билан пахтазорга чиққан область олий ўқув юртлари ва техникумларининг студентлари ҳозиргача 22500 тонналик «оқ олтин» хирмони тиклашга муваффақ бўлдилар. Бу хирмонга педагогика институтининг физика-математика факультети студентлари ва педагогика билим юрти ҳамда Бухоро шаҳридаги 5-махсус ҳунар-техника билим юрти талабалари баракали улуш қўшдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

29 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум халқ депутатлари Минск шаҳар Советининг КПСС XXVII съезди талаблари асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилашга оид ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Халқ депутатлари Минск шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. И. Михасев доклад қилди. СССР Олий Совети Миллатлар Советининг халқ истеъмоли моллари ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи комиссияси раисининг ўринбосари Э. Я. Аушкап Минскдаги ишларнинг аҳволини ўрганиб чиққан СССР Олий Совети депутатлари номидан ахборот берди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми гражданларни қабул қилиш практикаси. Қарағанда область халқ депутатлари Советларида ва уларга ҳисоб берувчи органларда гражданлар ўртага қўйган масалаларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Халқ депутатлари Қарағанда область Совети ижроия комитетининг раиси З. Инкарбоевнинг доклади тингланди. Халқ депутатлари Кемерово область Совети ижроия комитетининг раиси В. Н. Полецков мазкур масалани тайёрлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди.

Ана шу масалалар юзасидан қабул этилган қарорлар матбуотда эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиуми давлат ҳаётига оид бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда М. С. Горбачев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

(ТАСС).

Қайта қуришнинг олдинги сафида бўлайлик

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг 30 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми, СССР Ёзувчиларининг VII съезди қарорлари асосида республика адибларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Докладчи — Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари Ў. Умарбеков, сўзга чиққан бошқа кишилар республикада ғоявий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни йўлга қўйишга янгича ёндашувлар ёзувчилар ижодий союзининг фаолиятида ҳам кечиктириб бўлмайдиган туб қайта қуришни тақозо этаётганлигини айтдилар. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди —«Дилдаги гаплар» шиори остида учрашувлар ўтказилиб, ана шу учрашувлар давомида ёзувчилар етилган проблемаларни, янги асарлар яратиш режаларини ошкора муҳокама қилиб, ёзувчилар ташкилотида ижодкор ёшларни тарбиялашга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар.

Бироқ, дейишди пленум қатнашчилари, адиблар коммунистик ахлоқ, совет турмуш тарзи принципларини қарор топтиришда ҳали зарур даражада жанговарлик, гашаббускорлик ва фаоллик кўрсатмаяптилар, айрим кишиларимиз мешчанликка, ёт идеологияга, диний ақидаларга нисбатан маънавий муросасозлик қилаётганлигига қарши қатъиян курашмаяптилар.

Пленум ёзувчилар эътиборини жамиятимизда содир бўлаётган янгиланиш ва қайта қуриш жараёни кўламларини чуқур идрок этиш, ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи, меҳнаткаш инсонни шарафловчи асарлар яратиш зарурлигига жалб этди. Ижодий союз фаолиятидаги салбий ҳолатларга, масалан, мукофотлар ва бошқа хил рағбатлантиришларни «енг ичида» тақсимлаш яроқсиз практикасига қатъиян барҳам бериш, бу борадаги қарорларни чинакам демократик асосда, кенг ошкоралик вазиятида қабул қилиш зарур. Адабий-бадиий танқиднинг ролини ошириш, бадиий ва ғоявий жиҳатдан тўлақонли бўлмаган саёз асарларга янада мустаҳкам ғов қўйиш ғоят муҳимлиги уқтириб ўтилди. Пленум партиявийлик, халқчиллик ва юксак профессионал маҳорат принципларига оғишмай риоя қилиш ва уларни қарор топтириш адабий жараённи ривожлантиришда асосий, белгиловчи мезон эканлигини таъкидлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Япониялик меҳмонлар

Япония Социалистик партияси делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияга ЯСП Марказий Ижроия комитети раисининг ўринбосари, Япония-Совет муносабатлари юзасидан ЯСП Махсус комитетининг раиси, Япония парламенти вакиллар палатасининг депутати Тосихару Окода бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар 30 октябрь куни В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини бориб кўрдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлдилар, республика пойтахтининг архитектура ёдгорликларини ва янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар.

Шу куни делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева билан суҳбат бўлди.

(ЎзТАГ).

Суратда: меҳмонлар В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенида.
А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ТЎПЛАМ ЧИҚАРИЛДИ

«Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг вазифаси» ҳужжатлар ва материаллар тўплами босилиб чиқди. Унга партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладлари, нутқлари киритилган. Тўплам материаллари 1985 йил апреледан 1986 йил октябригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТЛАРИДАН

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ҳамда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети 1987 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун асарларни қабул қилиш 1986 йил 1 декабрда тугашини маълум қиладилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Гурий Иванович **МАРЧУК** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ҳамда СССР Фан ва техника давлат комитети раиси вазифаларидан озод қилди.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

29 октябрь куни Тошкент Олий партия мактабининг партия, совет ва идеология ходимлари малакасини ошириш факультетида тингловчилар катта группасининг ўқуви тугади. Группа составида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий ва область комитетларининг оғир саноат ва машинасозлик, енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари, транспорт ва алоқа, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимлари мудирларининг ўринбосарлари, сектор мудирлари, инструкторлари, мазкур республикалар шаҳар партия комитетлари тегишли бўлимларининг мудирлари, йирик саноат корхоналари партия комитетларининг секретарлари бор.

Ўқув программасида марксизм-ленинизм назариясига, партиянинг тащқи сиёсий стратегиясига оид энг муҳим масалалар, КПСС XXVII съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида мамлакатни ривожлантиришни жадаллаштириш проблемалари катта ўрин олди. Инсон омилининг ролига, хўжалик механизмини қайта қуриш соҳасида партия ташкилотларининг куч-ғайратларини активлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Тингловчилар Тошкентдаги бир қанча корхоналар: «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси, 2-автокомбинат, 1-уйсозлик комбинати меҳнат коллективларининг иш тажрибаси билан танишдилар. Амалий машғулотларда ана шу корхоналар партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни интенсивлашга оид фаолияти иқтисодий анализ қилинди ва кўриб чиқилди. Иш тажрибаси ўртоқлашилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Н. Лобко, А. С. Икромов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, министрликлар ва идоралар раҳбарлари, республиканинг таниқли олимлари тингловчилар ҳузурида докладлар қилдилар ва лекциялар ўқидилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

РЕЗЕРВЛАР БОР, ФОЙДАЛАНИШ-ЧИ?

Аҳолининг зичлиги жиҳатидан Андижон области Совет Иттифоқида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бир квадрат километр жойга ўртача 376 киши тўғри келади. Андижон республика областлари орасида аҳолисининг тез ўсиши билан алоҳида ажралиб туради. Кейинги 10 йил ичида область аҳолиси 300 минг кишига кўпайди. Бир ярим миллиондан зиёд андижонликнинг 67 проценти қишлоқларда яшайди.

Аҳоли билан бирга меҳнат ресурслари ҳам ўсди. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар 10 йилда 476 минг кишига кўпайди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда шуғулланаётган кишилар сони ҳам кескин ўсиб боряпти. Ҳозир улар 187 минг кишидан ортиб кетди. Ваҳолонки, 10 йил аввал улар 96 минг киши эди.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, ижтимоий меҳнат билан шуғулланаётган кишилар доирасининг кенгайиши меҳнатга лаёқатли кишилар сонининг ўсиб бориш суръатларидан орқада қолаётир. Шахсий ёрдамчи хўжаликларида шуғулланаётган кишилар бутун область бўйича меҳнатга лаёқатли аҳолининг анчагина қисмини ташкил этади.

Аҳолининг халқ хўжалигидаги бандлиги Ленин, Москва, Марҳамат, Балиқчи, Избоскан районларида талаб даражасидан анча орқада. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, қишлоқларни индустрлаштириш, областда ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш ҳаётий заруратдир.

Қудратли, замонавий индустриянинг ташкил этилиши — бу асосий йўл бўлиб, уни амалга ошириш учун партия, совет ташкилотлари катта куч-ғайрат сарфлашлари, мавжуд резервлардан самарали фойдаланишга эришишлари керак. Посёлка ва қишлоқларда саноатнинг ривожланиши минглаб қишлоқ меҳнаткашларини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради, уларнинг турмуш тарзини ўзгартиради.

Андижон область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ана шуни ҳисобга олиб, қишлоқ саноатини ривожлантиришга эътиборни кучайтирди. Бу долзарб масала ҳатто область партия комитетининг 1982 йил апрель ойида бўлган пленумида алоҳида кўриб чиқилди. Область ижроия комитети эса ўн биринчи беш йиллик давомида ўз мажлисларида ишга лаёқатли кучларни ижтимоий меҳнат билан шуғуллантириш масаласини саккиз марта муҳокама қилди.

Бу борада Қўрғонтепа район, Ильичевск шаҳридаги Будённий номли маҳаллада меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш комиссияси амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Куйбишев номли совхоз директорининг ўринбосари, маҳалла комитетининг аъзоси М. Собиржонов раҳбарлик қилаётган бу комиссияга беш киши уюшган. Уларнинг ҳар бирига биттадан кўча бириктирилган. Комиссия аъзолари маҳалладаги меҳнатга яроқли, аммо ҳеч қаерда ишламаётган 57 киши билан мутахассислиги, олдин қаерда, нима иш қилганлиги, ҳозир ишламаслиги сабаби, қандай ишга хоҳиши борлиги ҳақида якка-якка суҳбат ўтказдилар. Уларни ишга жойлаштириш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ жойларда енгил саноат тармоқларини кучайтириш масаласи шаҳар ва район ижроия комитетларининг диққат марказида турибди. Шу туфайли область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ана шуни ҳисобга олиб, қишлоқ саноатини ривожлантиришга эътиборни кучайтирди. Бу долзарб масала ҳатто область партия комитетининг 1982 йил апрель ойида бўлган пленумида алоҳида кўриб чиқилди. Область ижроия комитети эса ўн биринчи беш йиллик давомида ўз мажлисларида ишга лаёқатли кучларни ижтимоий меҳнат билан шуғуллантириш масаласини саккиз марта муҳокама қилди.

Андижон областида меҳнат ресурсларидан фойдаланишга эътиборни кучайтириш лозим

Бу борада Қўрғонтепа район, Ильичевск шаҳридаги Будённий номли маҳаллада меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш комиссияси амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Куйбишев номли совхоз директорининг ўринбосари, маҳалла комитетининг аъзоси М. Собиржонов раҳбарлик қилаётган бу комиссияга беш киши уюшган. Уларнинг ҳар бирига биттадан кўча бириктирилган. Комиссия аъзолари маҳалладаги меҳнатга яроқли, аммо ҳеч қаерда ишламаётган 57 киши билан мутахассислиги, олдин қаерда, нима иш қилганлиги, ҳозир ишламаслиги сабаби, қандай ишга хоҳиши борлиги ҳақида якка-якка суҳбат ўтказдилар. Уларни ишга жойлаштириш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ жойларда енгил саноат тармоқларини кучайтириш масаласи шаҳар ва район ижроия комитетларининг диққат марказида турибди. Шу туфайли областда, кичик шаҳарлар, район марказлари ҳамда посёлкаларида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш анча тараққий топди. Кейинги беш йил мобайнида область қишлоқларида 13 та янги корхона ва корхоналар филиаллари, 6 та цех қурилди. Ҳозир уларда 7,6 мингдан ортиқ киши ишлаяпти. Йилига 90 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Водийдаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Андижон ип-газлама комбинати жуда тез қурилди. Салкам беш йил давомида бош корхона ва унинг қишлоқлардаги 13 та филиали қад кўтарди. Ҳозир бу корхона ва филиалларда ҳаммаси бўлиб 11 минг киши ишлаяпти. Уларнинг 90 проценти қишлоқларда камол топган йигит-қизлардир. Кечаги колхозчилар бугун малакали ишчилардир.

Балиқчи, Жалолқудуқ ва бошқа районларда қатор паррандачилик фабрикалари, кабель, подшипник заводлари, Андижон трикотаж, пойабзал фабрикаларининг филиаллари, Ильичевск пайпоқ тўқув фабрикаси ва бошқа янги корхоналарнинг ишга туширилиши қишлоқ ҳаётида катта воқеа бўлди.

— Меҳнатга яроқли аҳолини ишлаб чиқаришга янада кўпроқ жалб этиш учун оилаларни планли равишда аҳоли кам жойларга кўчириш, кишилар бошқа жойларга ишга боришларини ташкил этиш муҳим роль ўйнайди, —деди халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг меҳнат бўйича бўлим мудири Козимжон Олимов. — Планга кўра ўн биринчи беш йилликда 2171 оила бошқа жойга кўчирилди. Шундан Сирдарё, Жиззах областларига кўчиб борган оилалар —967 та, область ичида бошқа жойга кўчиб ўтган оилалар —1064 та, РСФСР ва Қозоғистон ССРга кўчиб борган оилалар — 140 та.

Охунбобоев шаҳридаги подшипник заводи қурилиши муносабати билан малакали ишчи, инженер-техник ходимлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили Москва подшипник заводига шартномага мувофиқ 300 киши бир йил муддатга касб ўрганиш учун юборилмоқда. Ҳозир ўша заводда 556 киши касб ўрганяпти.

Ўн иккинчи беш йилликда 4 мингдан ортиқ оилани аҳоли кам жойларга кўчириш планлаштирилди. Бунинг учун йилига 800 оилани кўчириб жойлаштириш керак бўлади. Бундан ташқари мамлакатдаги энг муҳим объектларга ҳам (РСФСР, Жиззах ва Қарши) ишчи кучи юбориш кўзда тутилмоқда.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, қатор саноат тармоқларида, айниқса, машинасозлик, электротехника, енгил саноат, ёғ заводи, қурилиш материаллари корхоналарида мавжуд қувватлардан тўла фойдаланилмаётир. Айрим қурилиш ташкилотларида, савдо ва маиший хизмат корхоналарида сменаларни кўпайтириш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилиш асосида иш режимини тартибга солиш масалалари ҳал этилмаяпти.

Андижон ип газлама комбинатини олайлик. Корхона ҳамон имконият даражасида ишламаяпти. Бу ерда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 72,7 процентдан ортмаётир. Шу йилнинг биринчи кварталида ип газлама ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Комбинат маҳсулот етказиб бериш шартнома — мажбуриятини бажаролмай, қолоқлар сафига тушиб қолди.

Комбинатнинг Марҳамат филиалида ишчи кучидан фойдаланиш — 67,6 процент, Пахтаобод, Қўрғонтепа филиалларида —64,5 процент, Ёрқишлоқ филиалида эса 58,9 процентни ташкил этмоқда. Шу ҳисобга ҳар йили ўртача 2 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Андижон машинасозлик заводида ҳам ишчи кучидан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Заводда биринчи сменада 1640 киши ишласа, иккинчи сменада 610 киши ишлайди. Бошқача қилиб айтганда заводда ишчи кучидан фойдаланиш проценти ортмаяпти.

Андижон областидаги мавжуд саноат корхоналарида қўшимча смена ташкил этиш ҳисобига 6 мингдан ортиқ кишини ишга жойлаштириш имконияти бор. Фақат шу ҳисобга 75 миллион сўмликдан кўпроқ товар маҳсулоти ишлаб чиқариш мумкин бўларди.

Корхоналар, қурилиш ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари оммавий касблар бўйича кадрлар тайёрлашга етарли эътибор бермаётирлар. Оқибатда областда малакали токарлар, слесарь-асбобсозлар, пардозловчи ва арматурачилар етишмаяпти.

Меҳнатни ташкил этишнинг уйда ишлаш формаси қониқарсиз ривожланмоқда. Андижонда, кичик шаҳар ва аҳоли пунктларида уй иши билан шуғулланувчи ва шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлиб қолаётган кишиларни меҳнатнинг шу формасига тортиш учун ташкил этилган махсус фабрикалар имконият даражасида ишламаяпти. Бу ерда 290 ўрнига 196 кишигина меҳнат қилаётир, холос.

Қатор районлар ва шаҳарларда уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши планларининг барбод этилиши меҳнатга яроқли кишиларни ишлаб чиқаришга тортиш ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шаҳар ва район ижроия комитетлари, область ташкилотлари, бўлим ва бошқармалар ишидаги бундай камчиликлар кўпгина ишга лаёқатли кишилар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилинмай қолаётганига сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми ҳар ким ўз ишини қайта қуриб, уни ҳалол, виждонан, сидқидилдан бажариши лозим, деган талабни қўйди. Бу юксак талабни амалга ошириш учун меҳнат ресурсларидан фойдаланишни кескин яхшилаш, барча корхоналарнинг ишини икки-уч сменада ташкил этиш, ҳунар-техника билим юртларида кадрлар тайёрлашни кўпайтириш керак. Токи уй иши ва ёрдамчи хўжалигида банд бўлиб қолаётган ҳар бир киши бирорта касбни эгаллаб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиш имкониятига эга бўлсин.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Мамлакат корхоналарида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ мусобақаси кун сайин авж олмоқда. Бу фотолавҳаларнинг биринчиси Ленинграддаги «Красний виборжец» ишлаб чиқариш бирлашмасида олинган. Бу корхонанинг маҳсулоти чет элларга ҳам жўнатилади. Суратда Венгрияга жўнатиладиган маҳсулотлар туркумини кўздан кечириш пайти тасвирланган.

Иккинчи суратда эса, «Саратовавтотранс» территориал бирлашмасининг 2-автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасидаги меҳнат тасвирланган. Юкларни контейнер усулида ташиш меҳнат унумдорлигининг ошишига ёрдам бермоқда.

(ТАСС фотохроникаси).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НАВОИЙ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Газетхонлар хати текширилганда райондаги Хазора қишлоғида жойлашган 3-магазин ишида жиддий нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Бу масала район матлубот жамияти правлениеси йиғилишида кўриб чиқилиб, магазин мудири А. Қурбоновга қайфсан эълон қилинди. Правление қарорига кўра, мазкур магазиндан спиртли ичимликлар олиб ташланди.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРЛИГИ:

— Р. Холиқовнинг пенсия масаласи ҳақидаги аризаси кўриб чиқилди. Тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда назоратсизликка йўл қўйганлиги учун Тошкент область пенсия ва нафақалар тўлаш маркази инспектори Г. Зоҳидова жазоланди.

●

ҚЎНҒИРОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— А. Йўлдошеванинг аризаси текширилди. Унинг натижаси ғишт заводи партия йиғилишида муҳокама этилди. Ишчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун катта мастер Н. Аяповга қаттиқ виговор берилди. У яна ана шундай камчиликка йўл қўйгудек бўлса, ишда қолиш-қолмаслик масаласи кўрилади.

●

ПАЙАРИҚ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— П. Нурманов номли колхознинг 10-бригада аъзолари шикоят хати юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Текшириш натижаси муҳокама қилинди. Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун О. Давиров бригада бошлиғи вазифасидан бўшатилди.

Дунё воқеалари

Совет—Ҳиндистон семинари тугади

«XVI—XX асрларда Россия, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон. Дўстлик ва ҳамкорликнинг тарихий илдизлари» мавзуида ўтказилган Совет—Ҳиндистон семинари қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган баёнотда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг, Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди ва «Деҳли олтилиги»нинг тинчлик таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Семинар 29 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тугатди.

Икки мамлакат олимлари СССР билан Ҳиндистон раҳбарларининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, пировард натижада эса тўла ва ялпи қуролсизланишга эришиш борасидаги таклифларини бугунги кунда яхши ниятли барча кишилар маъқуллаб, кутиб олаётганликларини таъкидладилар.

Уч кун мобайнида дўст мамлакатларнинг таниқли шарқшуносларидан Россия, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон маданий, иқтисодий алоқаларини ривожлантириш тенденциялари ҳамда манбаларини таҳлил қилиб чиқдилар. Улар ҳамкорлик янада чуқурлаштирилишини ёқлаб гапирдилар. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик жаҳон сиёсатининг муҳим омили бўлиб, халқаро муносабатларни нормаллаштиришга муҳим ҳисса қўшиши уқтирилди.

(ЎзТАГ).

СССР — ҲИНДИСТОН

Туризм ҳамжиҳатликни яхшилайди

Туризм масалаларига бағишланган Совет—Ҳиндистон биринчи семинарининг қатнашчилари 29 октябрь куни Самарқандга сафар қилдилар. Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишларини кўздан кечирдилар, опера ва балет театрида қўйилган фольклор ансамблининг концертини томоша қилдилар.

— Ўзбекистонда, унинг бой тарихга эга бўлган ажойиб шаҳарларида бўлишдан бахтиёрман, бу шаҳарларни кўришни кўпдан бери орзу қилардим, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда Ҳиндистон туризм министрлиги департаментининг Бош директори доктор Н. К. Сенгупта. — Бизнингча бу ердаги семинар муваффақиятли ўтди. СССР Чет эл туризми давлат комитети билан амалий алоқада бўлган Ҳиндистон туристик фирмалари ва компанияларининг вакиллари шу семинарда қатнашдилар.

Учрашув албатта самаралар бериб, мамлакатларимиз ўртасида туризми ривожлантиришга янги омил бахш этишига аминман. Биз, жумладан Совет Иттифоқининг туристик маршрутлари бизнинг Ҳиндистонда яхши маълум эмаслигини билдик, деди у. Энди СССР Главинтуристи, унинг реклама фильмлари ва фотокўргазмалари ёрдами билан ана шу камчиликни тугатишга ҳаракат қиламиз. Семинар ўзаро наф кўриш учун тез-тез учрашиб туриш, доимий алоқаларни мустаҳкамлаш кераклигини кўрсатди. Навбатдаги шундай учрашувда Совет Иттифоқидаги дўстларимиз билан, шу жумладан ўзбекистонлик дўстларимиз билан яна кўришсак хурсанд бўлур эдик. Бу учрашув Ҳиндистонда ўтса керак, деб ўйлайман.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

Совет жангчилари дўст Афғонистон диёрида ўз интернационал бурчларини шараф билан бажариб Ватанга қайтмоқдалар. Шу йилнинг 15 октябрида совет қўшинлари чекланган контингентининг муайян қисмларини АДРдан олиб чиқиб кетиш бошланганди. Бу қисмлар қўшни мамлакат ҳукуматининг илтимосига биноан у ерда турган ва Савр инқилоби ғалабаларини ҳимоя қилишда афғон халқига ёрдам бераётган эди.

Октябрнинг охирига қадар иккита моторлашган, бир танк ва учта зенит полки 8 минг кишилик шахсий состави, бутун техникаси билан Туркистон ва Ўрта Осиё ҳарбий округларига қайтиб келади. Бугунгача эса улардан бир қанчаси диёримизда катта тантана, шод-хуррамлик билан кутиб олинди. Уларнинг қайтиши Афғонистондаги сиёсий вазиятни аста-секин барқарорлаштириш жараёни муваффақиятли кечаётганлигининг яққол далилидир.

Совет жангчилари афғон аскарлари, мамлакатнинг барча ватанпарвар кучлари билан биргаликда Афғонистон давлатининг суверенитетига раҳна солган душманларнинг қуролли агрессиясига мардона қарши турибдилар. Улар ўз жонларидан кечиб, минглаб афғон болалари, кексалар, аёлларни ёлланган қотиллар ва босмачиларнинг қонли чангалидан қутқариб қолдилар. Деҳқонларнинг ҳосилни йиғиштириб олишига, ишчиларнинг дастгоҳлар ёнида меҳнат қилишига, болаларнинг мактабга қатнашига имконият яратдилар.

Кейинги пайтларда аксилинқилобчи тўдаларга қарши жанговар операцияларнинг аксариятини АДРнинг ўз қуролли кучлари олиб бормоқда. Афғонистон армияси ҳозирги кунда етарли жанговар қудратга эга, у яхши таълим кўриб, анча чиниққан. Афғон аскарлари буни жангларда исботламоқдалар. Улар биргина 1985 йилнинг ўзида халқ милицияси ва хавфсизлик кучлари билан биргаликда 30 мингдан зиёд ёлланган босмачилардан иборат 200 га яқин душман тўдаларини тор-мор этдилар.

Халқ армияси вазиятни тўла-тўкис назорат қилаётганлигининг асосий сабаби аввало республика ҳукуматининг оқилона сиёсат юргизаётганлигидадир. Ҳукумат революциянинг социал базасини кенгайтирмоқда. Тинч ҳаётга қайтаётганларга нисбатан авф эълон қилинди. Мамлакатда вазиятни нормаллаштириш юзасидан кўрилаётган ана шу реал тадбирлар душманлар томонидан алданган ёки аксилинқилобчи тўдаларга эўрлаб олиб кетилган кишиларнинг ўз ўтмишларидан воз кечишларига сабаб бўлмоқда. Фақатгина кейинги 4 ой мобайнида 3 минг киши қуролини ташлаб халқ ҳокимияти томонига ўтди. Бундан ташқари, ҳозир ҳукумат тахминан 6 минг кишилик 92 тўда билан музокара олиб бормоқда.

Кейинги пайтда совет бўлинмалари асосан қўриқловчилик вазифасини ўтаётган эдилар. Шу туфайли ҳам улар Ватанга қайта бошладилар. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Нажибнинг таъкидлашича, республика халқ ҳокимияти «афғон ерида тинчликни ўрнатишига яқин қолди».

Халқ армиясининг муваффақиятли операциялари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ишида халқ ҳокимияти эришаётган ютуқлар билан уйғунлашмоқда. Республиканинг миллий даромади инқилобга қадар бўлган даражасидан ошиб кетди. Ер-сув ислоҳоти натижасида қарийб 320 минг ерсиз ва кам ерли деҳқон 340 минг гектар ерни текинга олди. Кейинги йилнинг ўзидагина 150 кооператив, 1400 давлат уй-жойлари, 11 мингдан зиёд индивидуал уйлар қурилди. Бундан ташқари, 13 та завод ва фабрика, 112 та мактаб, 74 та касалхона ва 53 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Ҳисоб-китобларга қарганда, уруш бўлмаганида бундан икки-уч баравар кўп ҳажмдаги ишларни амалга ошириш мумкин бўлар экан. Шу боисдан ҳам афғонлар янада фаровон яшаш, Апрель революциясини эълон қилган идеалларни ҳаётга тезроқ татбиқ этиш учун, аксилинқилобчи тўдаларни, умуман, урушни тугатиш учун ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам қатъий бел боғлаганлар.

Афғонистондаги бутун вазиятда халқнинг ана шундай кўтаринки кайфияти устун бўлиб турибди. Бироқ халқаро империализм кучлари, аввало, АҚШ ва унинг иттифоқчилари буни билиб билмасликка ояптилар. Боз устига Афғонистонга тинчлик бермаётган босқинчиларга бош бўлаётган Вашингтондагилар Совет Иттифоқининг амалий қадамини ҳам камситиб кўрсатишга зўр бериб уринмоқдалар. Чунончи, яқинда АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер калтабинлик билан ва оғзига келганини қайтармай, олтита совет полкининг АДРдан олиб чиқиб кетилиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки Совет Иттифоқи илгарироқ билдирмасдан Афғонистонга қўшимча полклар юборган эди, деб айтди. Бу кабиҳлик билан қилинган туҳматдан бўлак нарса эмас. Ундан кўзланган мақсад СССРнинг тинчликсевар сиёсатини қоралаб кўрсатишдан иборат. Зеро, бундай ҳарбий операциялар устидан назорат қиладиган замонавий воситалар борлигини тушунадиган кишилар жаноб министрнинг фикри тутуриқсизлигини яхши биладилар.

Бироқ Ғарбнинг агрессив доиралари қанчалик бўҳтонлар ёғдирмасинлар, инсониятнинг реал, ҳамиша соғлом фикрловчи қисми совет полкларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилишини тўғри баҳоламоқдалар. Улар бу тадбирни СССР Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий жиҳатдан барқарорлаштириш аҳдида қатъий турганлигининг далилидир, демоқдалар.

Тинчлик ва тараққиёт ғаниллари қанчалик ҳаддидан ошиб, оғиз кўпиртириб туҳмат қилмасинлар, Совет Иттифоқининг Афғонистонга берган кўмаги тарих саҳифаларида виждонан бажарилган интернационал бурч намунаси сифатида абадий ёзилиб қолади. Бинобарин, ташқаридан қуролли аралашув тўхтатилмас экан, Совет Иттифоқи ўз ён қўшни — жон қўшнисини бундан буён ҳам қулфатда қолдирмаслиги ойнадай равшандир.

О. НАЗАРОВ.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг октябрь ойи сони босмадан чиқди. У «Қайта қуришга актив ёрдам берайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади. КПСС Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали ҳақидаги қарорининг баёни эълон қилинган.

Журналда қайта қуриш муносабати билан ташкил этилган анкета саволларига Бухоро область Свердлов район «Коммунизм тонги» газетасининг редактори М. Турсунов ўз жавоблари билан қатнашган. «Чуст ҳақиқати» район газетасининг редактори И. Дадажоновнинг «Дадиллик — таъсирчанлик омили» сарлавҳали мақоласи босилган.

«Редакция партия ташкилоти» рубрикаси остида «Тошлоқ тонги» район газета редакцияси бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Хонкелдиевнинг «Планлаштириш самараси», «Чорвачилик — зарбдор фронт» рубрикаси остида эса «Хоразм ҳақиқати» область газетаси чорвачилик бўлими мудири О. Эгамовнинг «Бўлим изланишда» сарлавҳали мақолалари эълон қилинган.

«Матбуот обзори» рубрикаси остида бу гал «Правда» газетасидан таржима қилиб берилган «Ҳамжиҳатлик бўлмагач...» сарлавҳали, «Ичкиликбозлик — иллат» рубрикаси остида эса тарих фанлари кандидати Б. Рихсиевнинг «Инсон ва қонун» —ҳушёр турмуш тарзи учун курашда» сарлавҳали мақолалари ўрин олган.

«Союзимиз ижодий» рубрикаси остида берилган «Ватанга садоқатли хизмат» сарлавҳали мақола ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ёзувчи журналистлар семинарига бағишланган. «Юбилярларимиз» рубрикаси остида филология фанлари доктори, профессор Ғ. Саломовнинг «Олим, публицист, педагог» сарлавҳали мақоласи берилган.

Булардан ташқари журналда «Ҳамкасбларимиз», «Юбилярларимиз», «Кўмакдошларимиз», «Полиграфчиларимиз», «Фоторепортаж», «Информация», «Реклама» ва бошқа рубрикалар остида ҳам бир қатор қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИНИНГ АҚШГА ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

НЬЮ-ЙОРК. «Рейган маъмурияти ҳатто ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги кенг кўламли шартнома қоидалари бажарилишини текширишнинг мустаҳкам системаси намойиш қилинган тақдирда ҳам бундай шартнома қатнашчиси бўлишни асло истамаяпти», — деди табиий ресурсларни муҳофаза қилиш кенгашининг сейсмографлар бўйича бош геофизиги Томас Кохрэн журналистлар билан бу ерда сешанба куни бўлиб ўтган учрашувда.

У АҚШ давлат департаментининг ядро синовлари устидан контрол жорий этиш учун сейсмографик ускуналар ўрнатиладиган жойларни аниқлаш мақсадида Қўшма Штатларга келиши керак бўлган совет олимларига нисбатан камситувчи чораларни амалга оширганлиги тўғрисидаги хабарни ана шундай шарҳлади. Шу тўғридаги битимни табиий ресурсларни муҳофаза қилиш кенгаши билан СССР Фанлар академияси имзолаган эди. Мазкур битим доирасида июль ойида америкалик олимлар Қозоғистондаги совет ядро полигони районида махсус асбоб-ускуналар ўрнатган эдилар.

Сафар учун берилган рухсатнома шартларига кўра, деди Кохрэн, совет олимлари АҚШда бир ҳафтагина бўладилар, лекин уларга аппаратлар ўрнатиш учун таклиф этилган жойларга боришга рухсат берилмади. Кохрэн давлат департаменти қарорини қаттиқ танқид қилиб, «Америкалик олимлар СССРда совет ҳамкасбларига АҚШда берилаётганига қараганда кўпроқ эркинликдан фойдаланган эдилар», деди. Масалан, АҚШлик сейсмологлардан бир группаси совет ядро полигони атрофидаги учта жойда ер сатҳи тебранишини қайд этадиган аппаратлар ўрнатган эдилар. Америкалик олимларга жойлардаги аппаратлар ишини кузатишга ҳам рухсат берилган эди. СССР Фанлар академияси билан тузилган битимда ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги кенг қамровли шартномага қандай риоя этилишини самарали контрол қилиш мумкинлигини намойиш этиш кўзда тутилади. Маълумки, Вашингтон шундай шартнома тузишдан ўзининг бош тортаётганлигини айни мазкур шартнома бажарилишини текшириш «қийинлиги» билан изоҳламоқда.

Америкалик олим СССРда ўрнатилган сейсмик приборлар Совет Иттифоқи ўз ихтиёри билан барча ядро синовларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорига виждонан риоя этаётганлигини тасдиқлаяпти, деди. У айни вақтда текшириш системаларини вужудга келтириш соҳасида иккала мамлакат олимлари ўртасидаги ҳамкорликка нисбатан Оқ уй эгаллаб турган позициядан ҳафсаласи пир бўлганлигини маълум қилди.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ
№ 10 (282)
1986 ЙИЛ ОКТЯБРЬ

Меҳнаткашлар! Исрофгарчиликка қарши курашда тежамкор, талабчан бўлингиз, қаттиқ тежамкорлик режимига амал қилингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ — УМУМХАЛҚ НАЗОРАТИДА

Сурхондарё область пахтакорлари 1986 йил пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олиш, она-Ватанга бу йил 513 минг, шу жумладан 280 минг тонна ингичка толали пахта сотиш учун астойдил меҳнат қиляптилар.

Пахта йиғим-терими мавсумида ҳамманинг ўрни далада. Область халқ назоратчилари ҳам ўз ишларини қайта қуриб, асосий эътиборни мўл ҳосил йиғим-теримига қаратмоқдалар.

СИФАТ ВА СУРЪАТ

Ҳамма пахта йиғим-теримига жалб этилганми? Барча машиналар унумли ишлаяптими? Графиклар бажарилаётирми? Ишга нималар халақит беряпти? Суръатни сусайтирмаслик учун яна нима қилиш керак? Назоратчилар ўтказаётган текшириш ва рейдлар асосан ана шу йўналишларда бўляпти. Рейд давомида эса айрим хўжаликларда беғамлик, бепарволик, барча резервлардан унумли фойдаланмаслик ҳоллари ҳали ҳам давом этаётганлиги кўриниб қолмоқда. Масалан, энг кейинги текшириш шуни кўрсатдики, Сурхон — Шеробод чўли зонасидаги қўриқ районларда асфальт ётқизилган майдончалар қурилмаганлиги, карталар четидаги машиналар айланадиган йўлкаларда хирмон жойлар йўқлиги сабабли бункерлардаги пахталар йўлкаларга ағдарилиб, ҳом ашё тупроқ ва хас-чўпларга аралашиб, ҳаддан ташқари ифлосланяпти. Бундай ҳунук аҳволга Гагарин районидаги «Янгиобод», Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги», «Партия XXV съезди», Ленин йўли районидаги Будённий номли ва Охунбобоев номли совхозларда йўл қўйилмоқда.

Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг бешинчи бўлимидаги Фармон Лўкбўтаев бошлиқ бригадаси даласида очиқ майдонга 20 тоннадан зиёд машинада терилган пахта ғарамлаб қўйилган. Натижада хом ашё турган жойида нам тортиб, хас-чўплар билан ифлосланиб ётибди. Бригада бошлиғи ва совхоз раҳбарлари пахтани ёйиб қуритиш ва тайёрлов пунктига ўз вақтида жўнатиш чора-тадбирларини кўриш ўрнига, янги терилган пахтани ҳам шу ғарамга келтириб тўкиш ҳақида кўрсатма берганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Шу райондаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Т. Тошқулов бошлиқ бешинчи бўлимидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Муҳаммади Ҳурсандов бошлиқ бригаданинг пайкали четидаги айланиш йўлкасига тўкиб ташланган 10 тонна пахтани шамол учириб, тупроқ ва хас-чўпга булғаб ташлаган, қўл терими билан машина терими аралашиб кетган. Совхоз директори Мақсуд Харисов ана шундай аҳволни кўра-била туриб, ҳеч нарсадан бехабардек бамайлихотир юрибди.

Ингичка толали пахта етиштирадиган хўжаликларда оқ пахтага ишлатиладиган дефолиантлар яхши самара бермаганлиги сабабли ғўзаларда кўплаб тўкилмаган яшил барглар сақланиб қолган. Шу боис, машинада терилган пахтанинг ифлосланиш чиқиш хавфи туғиляпти, хом ашёнинг сифати пасайиб кетяпти.

Олтинсой, Денов, Сариосиё ва Термиз районлари хўжаликларида машина теримига етарли эътибор берилмаётганлигини рейд бригади ГОСТ нормасидаги 10—12 процент ўрнига, 24—25 процентгача бориб етмоқда. Тайёрлов пунктлари бундай хом ашёни қабул қилмай қайтариб юбормоқда, хўжаликларда эса кўплаб миқдордаги ипак пахтани тозалайдиган техник имкониятлар йўқ. Область бўйича эса ГОСТ талабига жавоб бермайдиган бундай пахтанинг миқдори 20 минг тоннадан зиёд! Унинг кўп қисми ноқулай шароитда, нам ерларда ва очиқ далада сақланаётганлиги сабабли гадаси аъзолари рўй-рост очиб ташладилар. Жумладан, Сариосиё районидаги Калинин номли, «Ленинград», «Правда», Жума Пирназаров номли, Карл Маркс номли колхозларнинг раҳбарлари (правление раислари Бўтаев, Авазов, Қурбонов, Рамазонов ва Муродов ўртоқлар) ғўза дефолиацияси ва машина теримини ҳеч қандай сабабсиз кечиктирганлар. Оқибатда бу хўжаликларда машина терими плани бор-йўғи 8—10 процент уддаланди, холос. Район бўйича ҳам машина теримининг кунлик ўсиши 0,27—0,35 процентдан ошмаяпти. Бунга хўжаликлардаги аксарият терим агрегатлари турли-туман асоссиз важ-карсонлар билан қантариб қўйилганлиги сабаб бўлмоқда. Райондаги Свердлов номли, Калинин номли колхозларда меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган, теримчилар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилмаган. Шу сабабли терим суръати ўсиш ўрнига кун сайин пасайиб бораяпти. Далада ишлаётган теримчилар ва механизаторларнинг учдан икки қисми кунлик нормаларини бажармаяпти. Бундай аҳволга Денов, Шеробод, Ангор районлари хўжаликларида ҳам кўплаб дуч келинди.

Бу камчиликлар область халқ назоратчилари бир текширишда аниқланган нуқсонлардир. Биз бундай камчиликларни зудлик билан тугатиш тадбирларини кўряпмиз. Бундай текшириш ва рейдлар планли тарзда изчил давом этаверади. Мақсад пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажаришга эришишдир.

А. МАВЛОНОВ,
Сурхондарё область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

НОБУД БЎЛМАСИН ДЕБ

Колхозимизда мавсум бошида пахта нобудгарчилигига қарши кураш бўйича беш нафар халқ назоратчиларидан иборат пост тузилган эди. Пост аъзолари ишни конкрет план асосида олиб боришяптими? Яқинда навбатдаги текширишни Н. Нуримов бошлиқ бригадада ўтказдик. Рейд бу коллективда терим сифати анча пастлигини кўрсатди. Т. Очилова, М. Каримова, Ш. Дониева, Ю. Сатторова каби теримчилар чаноқлардаги пахтани чала териб олаётгани, жўякларга тўкиб кетаётгани аниқланди. Халқ назоратчилари уларга бу нуқсонларини кўрсатиб беришди.

Бригада механизаторлари ишида ҳам бир қатор хатолар аниқланди. Пахта ифлос териляпти, кўп қисми ерга тўкилмоқда. Биз бу масалани колхоз правлениеси муҳокамасига киритдик.

Бригадир бу камчиликлар терим тез олиб борилаётгани ва шошилиш оқибатида рўй беряпти деб изоҳлади. Тўғри вақт шоширяпти. Куз ҳавоси терим суръатини кун сайин оширишни тақозо этяпти. Бунинг устига бригада ҳам, колхозимиз ҳам теримда орқада қоляпти. Лекин бу етиштирилган ҳосилни нест-нобуд, қилишга сабаб ва асос бўлмаслиги керак.

Халқ назоратчилари ўтказган энг сўнгги рейднинг якуни ана шундай. Бу яна бир карра йиғим-терим ишларини оқилона ташкил этмасдан туриб ишнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини тасдиқлади. Бундай текширишлар, рейдлар мавсум охиригача узлуксиз давом этади.

И. ҚАЮМОВ,
Навоий районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози халқ контроли достининг бошлиғи.

«Совет Ўзбекистони» газетаси, республика телевидениеси ва Арнасой район халқ контроли комитетининг қўшма рейди

ИШЛАМАЙ ТОЛИҚҚАН МАШИНАЛАР

ҚУРИҚ Арнасой райони пахтакорлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида она-Ватан хирмонига 59 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишган. Об-ҳаво шароити оғир келган, сув танқислиги содир бўлган жорий йилда районнинг кўпгина хўжаликлари, бўлим ва бригадаларида мажбурият даражасида мўл ҳосил етиштирилди.

Бугунги кунда Рокоссовский номли, Ворошилов номли совхоз механизаторлари даладаги ҳосилни қисқа муддатларда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш йўлида ҳамжиҳатлик кўрсатмоқдалар. Рокоссовский номли совхознинг Норбой Мўминов бошқарувчилик қилаётган 5-бўлими деҳқонлари қўриқ районда биринчи бўлиб машина терими планини бажардилар. Механизаторлардан Одилжон Отажонов, Холдор Жонзоқов, Эгам Рустамов, Абдумўмин Қўнишевларнинг ҳар бири ўз агрегатлари бункери билан 110-120 тоннадан «оқ олтин» тўкиб, областдаги илғор суворийлар билан муносиб беллашмоқдалар. Пешқадам бўлимларда ҳар бир терим агрегати билан кунига 5—7 тоннадан пахта терилаётир.

Аммо, афсуски, райондаги Жуков номли, Конев номли, Тимошенко номли совхозларда кунлик суръат паст. Мазкур хўжаликларда терим агрегатларидан фойдаланишнинг аҳволи мутлақо қониқарсиз бўлганлиги туфайли теримда суръат ва сифат таъминланмаяпти.

Терим агрегатларига бўлган муносабат, айниқса Конев номли совхозда ёмон. Хўжаликнинг 9-бўлим пахтакорлари бу йил 250 гектар майдонда деҳқончилик қилишган. Улар давлат планини бажариш учун ҳар гектар майдондан 23 центнердан ҳосил олишлари лозим. Йил бошида бўлим ишчи-хизматчилари ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олишга сўз беришганди. Терим бошланганидан бери 2 ойдан зиёд вақт ўтибдики, машиналар билан бор-йўғи 63 тоннадан зиёдроқ пахта терилди. Ҳар бир машина бункеридан тўкилаётган кунлик пахта ўртача 1,5—1,8 тоннадан ошмади. Бўлим ҳисобидаги 78-номерли терим агрегати эса ҳатто бир бункер пахта теришга ҳам ярамади. Бўлим шийпонига судраб келтирилган агрегат йигирма кундирки қаровсиз. Бунинг сабаби техникага бўлган муносабатнинг ёмонлигидадир. Қолаверса, бўлимда машиналар учун нормал иш фронти яратилмаганлиги қолоқликка сабаб бўлаётир. Пахта майдонларини қоплаган қалин ўт машина теримига имкон бермаётир.

Ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида бўлимда йиллик пахта тайёрлаш плани бугунга келиб аранг 15 процентдан ошди. Мазкур бўлимда афсуски, бугунги кунда қўл терими ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмаган. Рейд ўтказилган 11 ва 12 октябрь кунлари совхоз ишчиларининг ҳар бири ўртача 28-30 килограммдан пахта тердилар.

Хўжаликнинг 8-бўлими механизатори Ҳасан Пардаев-ни пахта териш машинасида марказий ремонт устахонасига жўнаб турган пайтида учратдик.

— Агрегатнинг синган қисмини автогенда тузатгириб келмоқчиман, — деди Ҳ. Пардаев. — Ҳозиргина бузилди.

— Дарров бориб келаман, — давом этди механизатор гўё бўлим механиги Муҳаммаджон Йўлдошевни ноқулай вазиятдан қутқармоқчи бўлгандай.

Лекин механизатор ва механик ҳар қанча уринишмасин агрегатни юргиза олишмади. Шийпондаги бузуқ машиналар қаторига яна бири қўшилди...

Биз бу ерда механизаторларни айбламоқчи эмасмиз. Тўғри, агрегатларнинг тез-тез бузилиб туриши сабаби — машиналарнинг мавсумга пухта шай этилмаганлигида. Комиссия аъзолари сифатли ремонт қилинмаган машиналарни қабул қилиб олишган. Энди эса уларнинг касрига механизаторлар ер чизиб ўтиришибди. Сиддиқилдан меҳнат қилаётган Ҳасан Пардаев ва бошқа механизаторларнинг ҳар бири терган пахта эндигина 30 тоннадан ошди, холос. Совхоз инженер-техник ходимлари ҳозиргача ҳам далада техника хизматини тўғри уюштира олмаётирлар.

Совхоз бўйича октябрь ойининг биринчи декадасида пахта теримида бор йўғи 40-45 та машина ишлатилди. Бу мавжуд агрегатларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Машиналарнинг кунлик ўртача иш унуми 2 тоннага ҳам етмаяпти. Бунинг устига терим пайтида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлмоқда. Машиналар нотўғри созлангани оқибатида кўп пахта ерга тўкилиб қоляпти. Хўжалик раҳбарлари ерда тупроқ ва хас-чўпга аралашиб ётган ҳосилни тезроқ териб олиш чораларини кўрмаётирлар.

Аҳмад Қобилов бошқарувчилик қилаётган 6-бўлимда айниқса, кўп нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бўлимнинг яхшигина ҳосил етиштирилган экин майдонларида теримнинг тадбиркорлик билан олиб борилмаётганлиги кишини таажжублантиради. Иккинчи терим ўтказилаётган майдонларнинг ҳар гектарида ерга тўкилган ҳосил 3—4 центнерни ташкил этади. Бунинг устига рейд ўтказилаётган куни бўлимдаги мавжуд 8 та пахта териш машинасининг тўрттасигина далада ишлаётган экан. Кўп ўтмай улардан бирининг тасмаси узилди. Бошқасини эса майдоннинг ўртасидан судраб чиқшга тўғри келди.

— Арзимаган эҳтиёт қисмларни ҳам вақтида етказиб беришмайди, — дейди механизатор Маматқодир Бувашов, — ҳатто тез-тез узилиб турадиган ремен ҳам йўқ. Мослаштириб бошқа тасма қўйдим. Билмадим, қанчага чидаркин.

Рейд давомида шунга амин бўлдикки, айрим хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислари ўз ишларини қайта қуриш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўришмаган. Қуйи звеналар иши вақтида назорат қилинмаяпти. Механизаторлар, теримчилар масъулиятини кучайтириш бўйича зарур тадбирлар амалга оширилмаётир. Конев номли, Жуков номли совхозларнинг кўпгина механизаторлари ўзларининг кундалик ҳисоб дафтарларига ҳам эга эмаслар. Борлари ҳам номигагина. Кундаликлар вақтида тўлдириб борилмаяпти. Демак, механизаторларнинг ишларига вақтида якун ясалиб, уларнинг фаолиятларига объектив баҳо берилмаётир.

Жумладан, Жуков номли совхоз механизатори Нўъмонжон Алимқуловнинг кундалигида кейинги уч-тўрт кун давомида терган пахтаси ҳақида маълумот йўқ. Совхоз бўйича 11 октябрь куни мавжуд 80 та терим агрегатининг 59 таси ишлатилиб, 91,2 тонна пахта терилди. Конев номли совхозда эса ҳар бир машинада терилган пахта 1,8 тоннани ташкил этди. Бундай суръат билан планни бажариб бўлмайди.

Мавжуд аҳволни изоҳлаб беришни сўраганимизда Конев номли совхоз директори Абдумалик Умрзоқов ҳам, Жуков номли совхоз директори Омон Қурманбоев ҳам, йилнинг қийин келганлиги ва сувсизлик хусусида нолишдан нарига ўтишмади.

Об-ҳавонинг пахтачилигимиз учун ноқулай бўлганлиги рост. Сув ҳам ҳар йилгидан кам бўлди. Лекин қўшни хўжаликларда бир хил шароитда ғўза машинабоп қилиб ўстирилган-ку! Қолаверса, ҳозир гап етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай тез йиғиб олиш, бунинг учун мавжуд имкониятлардан фойдалана билиш ҳақида боряпти. Шундай экан, юқоридаги каби ҳолатларни хўжасизлик ва бепарволиқдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Мамлакатимизда КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, партиянинг жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш учун жиддий қадамлар қўйилаётган ҳозирги дамда эса хўжасизлик, ўзнибўларчилик, масъулиятсизлик каби салбий ҳодисаларга ўрин бўлмаслиги керак. Катта-катта маблағлар эвазига сотиб олинган техникадан унумли фойдаланиб, етиштирилган ҳосилни хирмонга тезроқ тўплаш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. БЕГАЛИЕВ,
республика телевидениесининг мухбири.

М. РУСТАМОВ,
Арнасой район халқ контроли комитетининг раиси.

Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхози коллективи обҳаво қулай келган ҳар бир фурсатдан фойдаланиб, «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам қолдирмай, йиғиб-териб олаётир. Хўжалик халқ контроли группаси аъзолари ҳам бу ишда актив иштирок этаётирлар. Улар даладан то қабул пунктигача бўлган технологик жараённи жиддий контрол қилиш учун 10 та пост ташкил этдилар. Йиғим-терим сифатини назорат қилишда 120 дан зиёд жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқдалар.

Суратда: совхоз халқ контроли группасининг раиси К. Қиличев бригада бошлиғи И. Сайдинов билан бирга пахта пунктига жўнатилаётган пахтани текширяпти.

И. ХУЖАЕВ фотоси (ЎзТАГ).

Ажаб савдолар

ОХИРИДАН БИРИНЧИ

Агар Қашқадарё областида пахта тайёрлашнинг боришини суриштирсангиз Қарши райони пешқадамлик қилаётганини айтишади. Шу райондаги 8-совхознинг пахта тайёрлашда карвонбошилик қилаётгани ҳам рост. Лекин, гап бунда эмас. Бир хил шарт-шароитга эга бўлиб, пахта тайёрлашда район ютуғига соя ташлаётган колхоз ва совхозлар-чи!

Райондаги «Коммунизм» колхози ва Энгельс номли совхоз йиғим-терим ишларида судралмоқда. Нега! Ҳосил йўқми! Бор. Фақат хўжалик раҳбарлари йиғим-теримни кучайтириш ўрнига гапбозлик, мажлисбозлик билан машғул бўлмоқдалар.

Машина-трактор парклари да бу йил ҳали дала юзини кўрмаган ўнлаб «зангори кема»лар қантарилиб турибди. Кунлик терим суръати эса бир процентга ҳам етмайди. Йиллиги-чи! 50 процент ҳам бўлмаган.

Устига устак дала четида ва йўлларда тўкилиб ётган пахталарни айтмайсизми! Буларнинг ҳаммаси пешқадам район шаънига доғ-ку!

Ғафлат уйқусидан кўзини очолмаётган «Коммунизм» колхози ва Энгельс номли совхоз раҳбарларини ҳушёр торттириш наҳотки район агросаноат бирлашмаси раҳбарларининг қўлидан келмаса...

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ташвишли сигнал

ҲУВИЛЛАГАН ШИЙПОНЛАР

Кенагас — Қўшкўпир йўлининг ўнг тарафидаги хирмон жойдан хиргойи эшитилди:

Гоҳ айниб турар об-ҳаво,
Панд егай кимки бепарво,
Бўлмаса селда шаллаббо
Айвоннинг қадрини не
билсин.
Раис ухлаб, кўрар тушлар,
Шинам жойда кўнгил
хушлар,
Уясиз қолмаган қушлар
Ошённинг қадрини не
билсин.
Тонгларни далада кутмаган,
Пахтазорда тер тўкмаган,
Кўк чойнинг хумори
тутмаган.
Шийпоннинг қадрини не
билсин.

Машинадан сакраб тушган колхоз раиси Иброҳим Каримов у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди, ҳеч ким кўринмагач, хирмон томонга ўтди.

— Пахта қуритяпти десам, қўшиқ тўқиш билан машғул экансан-да. Хиргойи қилган сенми? — Мўйлови сабза урган йигитдан сўради раис.

— Мен эмас, — деди йигит бамайлихотир.

Пахта хирмонига бириктирилган ота-бола Ҳайитбой ва Абдулла Ибодуллаев, Саид Қаландаров, прицепчи Машариф Дўстжоновларнинг қайси бири хиргойи қилганини била олмай раис ғижжинганича туради. Шу аснода 10-бригада бошлиғи Раҳмон Маткаримов келиб қолди.

— Йигитларинг нағма топишяпти-ку. Шийпон керак эмиш, — деди раис киноя оҳангда.

— Йўғ-ей, — эътироз билдирди бригадир, — ҳув анови соя-салқин жойнинг шийпондан нимаси кам, — йўл ёқасидаги қоратолнинг тагига ишора қилди у.

Хирмон яқинидаги қоратолнинг таги муваққат шийпон вазифасини бажара бошлаганига анча бўлган. Бу ерда на ўтиришга тўшайдиган нарса, на стол-курси бор, на овқатланиш ва дам олишга шароит. Шип-шийдон очиқ майдон.

Гапни хиргойидан бошладик. Хиргойи тўқима бўлса ҳам, ундаги аччиқ таъна ҳаққоний. Колхоз далаларида тер тўкаётган азаматлар яйраб дам олишлари учун зарур шароит яратилган эмас. Дала шийпонлари қаровсиз, беқадр.

Юқорида тилга олинган 10-бригадада аввал бинойидек шийпон бор эди. Серсоя сада қайрағоч тагида ўрнашган сўлим оромгоҳда ҳамма нарса муҳайё бўлиб, пешин пайтида колхозчилар мириқиб дам олишарди. Энди-чи? Бу гўзал маскандан файз қочган. Чала қуриган дарахтлар-у, пайҳон бўлган гулзорни кўриб, жонингиз ачийди. Ҳовуз бўйидаги сўри ва супалар кўримсиз ҳолда. Дам олиш, овқатланиш хоналарининг, ошхона ва буфетнинг деворлари нураб, поллари бузилган. Атроф-теварак ахлатхона.

Маълум бўлишича, дала шийпони бундан анча олдин колхоз аъзоси Қодирберган Маткаримовга вақтинча берилган экан. Қ. Маткаримов ҳозир колхоз посёлкасида ўзига янги уйжой қуриб олди. Шийпон эса эгасиз уйдек қаровсиз қолдирилди. 9500 сўм баланс қийматига эга бўлган дала шийпони хўжасизлик оқибатида хароба ҳолатга келган. Наҳотки, буни колхоз раҳбарлари кўрмаган бўлсалар?! Шахсий уйнинг битта шифери синса ёки дераза ойнаси шикастланса, безовталаниб уста чақирадиган кишилар колхоз мулки вайрон бўлишига бу қадар лоқайд қараётганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Қўшкўпир районидаги «Тошкент» колхозида дала шийпонларига муносабат ана шундай. 16 та пахтачилик бригадасидан фақат иккитасида замонавий шийпон бор. Онажон Каримова бошлиқ 14-бригаданинг типовой лойиҳа бўйича қурилган, яхши жиҳозланган дала шийпони бошқа мақсад учун зарур бўлиб қолди, бу ерга биолаборатория жойлаштирилди. Бригада шийпонсиз қолди.

«Иттифоқ» колхозининг раиси Қ. Кенжаев, партия комитети секретари Қ. Абдурасулова дала шийпонидан гап очилганида, Комил Иброҳимов бошлиқ 11-бригада шийпонини роса мақташи. «Мақтанганнинг уйига бор, керилганнинг тўйига» деган ғап бор. Бордик. Шийпонда сукунат. Хоналарнинг эшигида каттакон қулф осиғлик. Ҳовуз бўйи яқин орада супирилмаган. Тушки дам олиш пайти бўлса ҳам, бу ерга одам қадами етмаган. На маданий-маиший хизмат, на мавсумий боғча бор.

«Ленинград» колхозининг 5-бригадаси дала шийпони безатилмаган, пахтакорлар ва механизаторлар кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун нормал шароит яратилмаган. Партком секретари О. Матёқубов бунинг сабабини ҳали ремонт давом этаётганлиги билан изоҳлади. Ажабо, йиғим-теримнинг долзарб палласигача битмаган ремонт қачон охирига етади? Тўйдан сўнгги ноғоранинг кимга кераги бор? Агроучастка бошлиғи П. Бектурдиев дала шийпони деб бизга хирмонни кўрсатди. Ҳовуз томондаги очиқ майдонда ўтириб чой ичиларкан. Чойнак-пиёла етишмайди, идиш-товоқ, асбоб-ускуна йўқ. Бундай «шийпон»га одамлар қадам ранжида қилишни истамаслиги ўз-ўзидан равшан. Олтибой Қурбонов номли ва Ленин номли колхозлардаги мослаштирилган дала шийпонларида ҳам аҳвол шундай.

Қўшкўпир райони хўжаликларида 192 та пахтачилик бригадаси бўлиб, шулардан фақат 42 таси типовой дала шийпонига эга, 40 та мослаштирилган шийпон бор. Афсуски, йиғим-теримнинг қизғин кунларида шийпонлар «оқ олтин» бунёдкорларининг маданий дам олиш жойига, оммавий-сиёсий ишлар марказга айлантирилмаган. Дала меҳнатчиларига маданий-маиший, савдо, медицина хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас.



Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

М. ТИЛЛАЕВА,
Қўшкўпир район «Мўл ҳосил учун» газетаси мухбири.

Ҳаммамиз дахлдормиз

Бўка пахта тозалаш заводи районда бош корхона ҳисобланади. Унинг саккизта филиалида 71 нафар халқ контроли аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Пахта йиғим-терими жадал бораётган айни кунларда халқ назоратчиларининг юмушлари, айниқса кўпайди. Олдимизда корхонага келтирилган ҳосилнинг сифатли бўлишини таъминлаш, бир грамм пахтанинг ҳам нобуд бўлишига, меҳнат интизоми бузилишига йўл қўймаслик вазифалари турибди.

Биз мавсум олди йиғилишимизда ана шулар ҳақида гаплашиб олиб, конкрет иш планларимизни туздик. Ҳар бир назоратчининг ўрни, аниқ вазифаси белгиланди. Масалан, бош корхонамиздаги етти нафар халқ назоратчисининг ҳар бири ишлаб чиқаришнинг маълум участкасидаги аҳвол учун жавоб беради. Жумладан, слесарь Т. Облоқулов заводдаги машина-механизмлар созлиги, катта лаборант З. Абраилова ва Н. Юсмаева пахтанинг сақланиши, сортини аниқлашда масъулдирлар. У. Қодирова, Н. Сайфатов ўртоқлар эса келтирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўришади.

КПСС XXVII съезди халқ назоратчилари олдига давлат мулкини кўз қорачиғидай асраш, нобудгарчилик олдини олиш, ҳар бир ишда тежамкорлик ва иқтисод қилиш вазифасини қўйди. Биз бунга жавобан иш услубимизни қайта қуриб олишга ҳаракат қиляпмиз. Ишчилар завод халқ контроли группасига келиб тежамкорлик ва иқтисод қилишда ҳар бир кишининг актив иштирокини таъминлаш, бу ишни яхшироқ олиб бориш юзасидан ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирмоқдалар, ишда рўй бераётган камчиликлар ҳақида хабар бераётирлар. Халқ контроли группаси қўйидан бўлаётган бирорта сигнални ҳам оқибатсиз қолдирмаяпти. Булар эса ўз навбатида кундалик ишимизда яхши самара бермоқда.

Халқ контроли группаси айниқса қабул қилинаётган пахтанинг сифатига, тоза ва қуруқ бўлишига эътиборни кучайтираётир. Бироқ текшириш ва рейдларда хўжаликлардан олиб келинаётган ҳосилнинг кўпинча ифлос ва баъзан нормадагидан анча ортиқ намлиқда эканлиги аниқланяпти. Масалан, Карл Маркс номли колхоздан келтирилган бир неча тележка пахтага барглар аралашиб кетган, намлиги 14—15 процентдан ортиқ бўлгани учун ҳосил қайтариб юборилди. Шу хўжаликнинг 5-бригадасидан олиб келинган пахтанинг намлик даражаси эса 16 процентдан ошиб кетганди. 2-бригада жўнатган бир неча тележка пахта ҳам ифлослиги учун қабул қилинмади. Худди шундай ҳол «Ленин йўли» колхози юборган хом ашёни текширишда ҳам қайд қилинди. Завод халқ контроли группаси иккала хўжалик раҳбарларидан ана шундай салбий воқеаларга бундан кейин йўл қўймасликни қатъий талаб қилди. Айни пайтда ифлосланган ёки намлиги нормадагидан ортиқ пахтани жўнатиш ҳоллари кескин камайди.

Биз бундан кейин ҳам халқимиз иқтисодиёти бўлган «оқ олтин»нинг тоза, беғубор ва сифатли бўлишини таъминлашда ўз ҳиссамизни қўшишга ваъда берамиз.

Ж. АСҚАРОВА,
Бўка пахта тозалаш заводи халқ назоратчиси.

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР

НАВБАТДАГИ ТИРАЖ

1986 йил 15 ноябрь куни Қозон шаҳрида 1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли заёмининг 39-тиражи бўлади.

Тиражда 10000, 5000, 2500, 1000, 500, 250 ва 100 сўмлик ютуқлар ўйналади.

10000 сўмлик ютуқ чиққан киши навбат кутмай «Волга» автомобили ёки шу классдаги бошқа енгил автомашинани сотиб олишга, 5000 сўмлик ютуқ чиққан киши бошқа маркадаги автомобилни сотиб олишга ҳақлидир. Автомобиль қиммати билан ютуқ миқдори ўртасидаги фарқни ютуқ чиққан облигация эгаси тўлайди.

Мазкур заём юзасидан навбатдаги тираж 30 декабрь куни Москвада бўлади.

1966 йилда чиқарилган 3 процентли Давлат ички ютуқли заёми муомала муддати тугаганлиги муносабати билан мазкур заём облигацияларининг эгаларига уларни 1987 йил 1 июлига қадар 1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли заёмларга алмаштириш шартлар билан, яъни амалдаги қийматини тўламаган ҳолда алмаштириш ҳуқуқи берилган.

Омонат кассаларда сақланаётган облигациялар уларнинг эгалари шахсан ўзлари ёки уларнинг ишончли кишилари келган пайтда алмаштирилади.

(ТАСС).

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда, «СССР халқлари дўстлиги» музейида «Тинчлик ва социал тараққиёт учун!» шиори остида сиёсий плакатлар кўргазма-конкурси очилди. Уни республикамиз меҳнаткашлари билан бир қаторда меҳмонлар ҳам келиб томоша қилмоқдалар. Суратда: кўргазма залида.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ДОНОР ЮРАГИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИЛДИ

28 октябрга ўтар кечаси СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот институтида 32 яшар бемор Н. Шишкинга донор юраги кўчириб ўтқазилди.

Шов-шув кўтарадиган ҳеч бир воқеа рўй бергани йўқ, деди институт директори В. И. Чумаков ТАСС мухбири билан суҳбатда. Операцияни практикамизда жузъий, оддий иш ҳоли деб ҳисоблаш мумкин. Бемор даволаб бўлмайдиган юрак хасталиги билан оғирди. Унга ёрдам бериш йўлидаги ҳамма уринишлар муваффақиятсиз чиқди. Беморнинг қариндошлари операция ўтказишга розилик беришди. Унга автомобиль фалокатида ҳалок бўлган ёш кишининг юраги кўчириб ўтқазилди.

Биз профессор Чумаков билан суҳбатлашиб турганимизда бемор кўчириб ўтқазилган юрак билан яшаётганига 15 соатдан ошганди.

МУЛТФИЛЬМГА МУКОФОТ

Ёш кинорежиссёр Нозим Тўлахўжаев қувончли хабар олди. Унинг америкалик ёзувчи Р. Бредбери ҳикояси асосида яратган «Ёқимли ёмғир» мультфильмига Загребдаги халқаро кинофестиваль жюриси фахрий диплом ва махсус соврин берди. Шу билан мазмуни ядро уруши хавфига қарши норозиликдан иборат бўлган лентага еттинчи мукофот берилди. Бу фильм Хиросима ва Лейпциг, Москва ва Минск, Лондон ва Бельбаунда ўтказилган халқаро конкурслар ва фестивалларда юксак баҳога сазовор бўлди.

Москва давлат театр санъати институтини битирган Н. Тўлахўжаев олтита мультипликацион фильмни суратга олган. Тинчликка даъват унинг ҳамма картиналари замирини ташкил этади.

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИДА БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

Н. ҲАМРОЕВ. Мактабда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси. 208 бет. Баҳоси 60 тийин.

Китобда коммунистик ахлоқ тарбиясининг энг муҳим қисми бўлган ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси кенг ёритилган. Унда область мактаблари, комсомол ташкилотлари иш тажрибалари атрофлича талқин қилинган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Кутубхона фондлари. 344 бет Баҳоси 1 сўм.

Дарсликда кутубхона фонди тўғрисида умумий қоидалар, фондларни ташкил этиш, комплектлаш масалалари баён этилади.

Қ. МАҲКАМЖОНОВ. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия. 240 бет. Баҳоси 40 тийин.

Қўлланмада бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракат, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тарбия вазифалари, дарсни ташкил этиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

О. МУМИНОВ. География таълими методикаси. 208 бет. Баҳоси 65 тийин.

Қўлланмада ҳар бир география курсининг вазифаси, мазмуни ва тузилиши, курс материалларини ўрганиш методлари, дарс системаси ҳақида сўз боради.

Н. УЗОҚОВ, Б. ҚАНОАТОВ Қишлоқда кооператив савдо 152 бет. Баҳоси 25 тийин.

Китобда социалистик матлубот кооперациясининг социал-иқтисодий табиати, ривожланган социализмда матлубот кооперацияси хўжалик фаолияти тараққиётининг йўналишлари, кооператив-колхоз савдоси ва унинг озиқ-овқат программасини бажаришдаги ўрни каби масалалар ҳақида гап юритилади.

ҚЎЙЧИЕВНИНГ ҲАМТОВОҚЛАРИ

Меҳнатсиз даромад — жамиятимизга ёт!

«Темир йўл район халқ суди ҳукмидан: «А. Устаев раислигидаги суд 1986 йилнинг 4-10 сентябрь кунлари Қўйчиев Ўктам Маҳмудовичнинг жиноий ишини қараб чиқди. Қўйчиев 1956 йилда Самарқандда туғилган, КПСС аъзолигидан ўчирилган, 1985 йилда олти йилга қамалган. Унинг устидан иккинчи марта жиноий иш қўзғатилди.

Қўйчиев ҳеч қаерда ишламай, область ижроия комитети ва шаҳар ижрокоми ходимиман деб одамларга ўз «хизматини» таклиф этган, квартира, автомашина олиб бераман деб 1983—1985 йилларда улардан 153 минг 456 сўм пул олган, баъзиларига бир қисмини қайтариб берган. У қолган 75 минг 97 сўм пулни ўзлаштирган».

* * *

Ихтиёрнинг ишқи «ГАЗ-24» «Волга» автомашинасига тушди. Отаси, қайнотаси, акаларига маслаҳат солди.

— Одамини топиш керак, — дейишди улар.

— Топганман. Қаршида танишим бор, машина «дўхтири». Самарқанддаги жўраси билан ҳам гаплашиб берди.

— Ишончли одам эканми?

— Бўлмаса-чи?!

Маҳмуд Қўйчиев дейишса Самарқандда ҳамма биларкан.

— Ҳа, унда ишонса бўлади.

Қариндошлар 24 минг сўмни қайта-қайта санаб кўришди. Ихтиёр отаси Дилмурод Мирзаев билан йўлга чиқди.

«Дадам Дилмурод Мирзаев ҳамда қаршилик танишим Дилавер Каракоз билан 1983 йил октябрь ойида Маҳмуд Қўйчиевникига келдик. У шаҳарнинг Арутюнова кўчасида яшаркан. Маҳмуд аканинг ўғли Ўктам Қўйчиев: «Мен область ижроия комитетида ишлайман», — деди. Ота-ўғиллар пулни гаражда санаб олишди». (И. Дилмуродовнинг аризасидан).

— Уч кундан сўнг келиб, машина ажратилганлиги ҳақидаги фармойишни оласизлар, — деди Ўктам.

Улар оға-инилардек хайрлашишди. Уч кундан сўнг фармойиш олишди. Лекин у сохта чиқди. Кейин Маҳмуд Қўйчиев косонлик «меҳмон»ларни танимай, без бўлиб тураверди.

— Машина қани? — дейишди улар.

— Ўктам билади, — деди Маҳмуд Қўйчиев.

— Ахир, сиз ҳам...

— Қайтиб ҳузуримга келсаларинг, отиб ташлайман! — деди у.

Улар Ўктамни қидириб топишди. У эса ёлғондан кўрғон қуриб, қармоғига илинганларнинг қўйнини пуч ёнроққа тўлғазди. Ихтиёрнинг қайнотаси — «Госкомсельхозтехника» Косон район бирлашмаси бош бухгалтери Д. Элмуродов, акаси — 5-автокорхона бош инженери коммунист Б. Дилмуродов ора йўлда қолишди. Қўлларида эса тилхат:

«Мен Қўйчиев Ўктам Дилмуродов Ихтиёрдан 24 минг сўм олдим. Агар қайтиб бермасам, милицияга мурожаат қилишлари мумкин. Имзо».

— Ростдан ҳам борсакчи? — деди улардан бири.

— Ахмоқ бўлдингми? Машина қўлга кирай деб турибди-ю...

Улар Самарқанд билан Қашқадарё орасида қатнаб юраверсинлар, гапни Ўктам Қўйчиевдан эшитинг.

«1984 йилнинг сентябрь ойида Карим Жўраев билан танишдим. Акам терговчи бўлиб ишлайди. Иккаласи таниш экан. У ВАЗ—2106 «Жигули» автомашинаси оламан деб қолди. Шаҳар ижрокомида ишлайман деб 10 минг 300 сўмини санаб олдим ва қўлига тилхат тутқаздим». (Ў. Қўйчиевнинг иқрорномасидан).

Самарқанд район техника таъминоти бирлашмасида юрист бўлиб ишлаётган Карим Жўраев бир неча кундан кейин шаҳар ижроия комитетининг фармойишлар битиладиган қоғозини олди. Дарров машина қанақа рангда бўлишини мушоҳада қилди. Бироқ ҳуқуқшунос бўла туриб, «қинғир йўл билан машина оляпман-а» деб ўйламади. Бу пайтда унинг виждони уйғонмайдиган бўлиб қолган эди-да!

Ўктам Қўйчиев эса ҳали область ижрокомида, ҳали шаҳар ижроия комитетида ишлайман деб лақмаларга тилхат, фармойиш ёзиб бериб юраверди. 4103 рақамли делони варақлаймиз. 2 томдан иборат жиноий ишкимсаларнинг қилмишларини фош этади.

«Мен Самарқанд шаҳридаги 1-ҳаммомда кассир бўлиб ишлайман. Ўктам Қўйчиев квартира олиб бераман деб 2 минг сўм пулимни олди. Ишонтириш учун мени шаҳар ижрокомига етаклаб борди. Кейин квартира ажратилиши ҳақидаги фармойишни кўрсатди. Унда Р. Исохоровага, яъни менга квартира ажратилсин дейилганди».

«Боғишамол районидаги 12-боғча мудираси вазифасида ишлайман. Қўйчиев Ўктам квартира ваъда қилиб, уч минг сўм пул ва тилла зирак ҳамда бриллиант тошли узукни олди. Беш минг сўм учун тилхат берди. Аслида нарсаларим 6.500 сўм баҳоланди. Фармойишда менинг ҳам исм-шарифим ёзилганди, яъни Раъно Нарзиқуловага квартира берилсин, деб. Ижрокомнинг ҳужжатига ишондим. Бироқ квартира машмашаси чўзилди. Жанжал қилганимдан кейин у 4.000 сўм пул қайтарди».

Ана шундай «қуйган»ларнинг сон-саноғи йўқ. Шулар қаторида пенсионер Сами Бобожонов ва унинг ўғли Маҳмуд Бобожонов ҳам бор эди. Улар квартира олиб бериши учун Ўктамга 8000 сўм тутқазишди.

● Суддан сўнгги мулоҳазалар

● Жиноятчи жазоланди, лекин...

● Қонунни четлаб ўтган «чаққон»лар

● Ижрокомнинг обрўсига ким путур етказмоқда?

● Тартиб ўрнатиш вақти етган

— Бобой, мана бу икки юзини олиб қўйинг. Иш битса, банкет қилиб берасиз, — деди у.

— Раҳмат, болам, барака топ, — Сами ота уни алқади.

Терговда отага ва унинг нефть маҳсулотлари базасида оператор бўлиб ишлаётган ўғлига: «Нега бундай қилдиңгизлар?», — деб савол берилди. Улар: «Шароитимиз оғир, квартира беришмаяпти», — дейишди. Ваҳолонки, Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан Сами Бобожоновга икки хонали квартира ажратилди. Жиноятчига шерик бўлмасдан озгина кутишсаку, мақсадларига етишарди. Лекин улар ҳалоллик, покликни, ҳақиқатни четлаб ўтишга уринишди.

«Ўктам Қўйчиев 1984 йил декабрида Л. Боброва билан танишди. Квартира олиб бераман деб ундан 7.800 сўм олди. Кейинчалик 4.000 сўмни қайтиб берди. Шу орада «ижроком ходими» Ургут районидаги Ибн Сино номли совхоз ишчиси Хўжақул Жўраевдан «Жигули» учун деб 9.500 сўм пул олди. Х. Жўраев уни ҳамкишлоғи Карим Абдуназаров билан таништирди. Товламачининг қўлига 20.000 сўм тутқазилди». (Тергов ҳужжатларидан).

Карим Абдуназаров «Газ-24» «Волга» автомашинаси олмоқчи эди. Бироқ у ҳам Самарқанд опера ва балет театри ходими Зили Сулеймонова, 96-мактаб ўқитувчиси Нариме Ирисмамбетова, маҳаллий саноат бошқармаси қурилиш участкасида ишловчи коммунист Рустам Нормуродов, чой қадоқлаш фабрикаси ҳисобчиси Александр Лим ва бошқаларга ўхшаб қаллобнинг домига илинганини ўзи сезмай қолди.

Ачинарли томони шундаки, улар бу ҳангомаларни дилларидан ташқарига чиқармадилар. Шунинг ўзи Ўктам Қўйчиев билан тил бириктириб, жиноятга шерик бўлганликларини кўрсатади. Хўш, унда сир қандай очилди?

Ўктам 1985 йилда Б. Нишонов, И. Илимов, А. Назаров деган ҳамтовоқлари билан ўғирликка бориб қўлга тушди. Самарқанд область суди уни олти йилга озодликдан маҳрум этди. Шундагина «шерик»ларнинг пайтавасига қурт тушди. Улар ётиб қолгунча отиб қол, деб бирин-кетин ички ишлар бўлимига кела бошладилар.

Яна суд бошланди. Уларнинг айримлари ҳақларини қисман қайтиб олишди. Суд «даъвогар»ларнинг ҳақини ундириб бериш тўғрисида ҳукм чиқарди. Айбдор энди 10 йилга қамалди. Лекин масаланинг жуда кўп жиҳатлари ойдинлашмади, тергов ҳужжатларининг анчагина қисмига нуқта қўйилмади.

Нега қонун-қоидаларни, жамиятимиз принципларини четлаб ўтган шахслар «даъвогар»га айланишди? Ахир, Ў. Қўйчиев жиноят содир этиб, қўлга тушмаганда улар лом-мим демай юраверишарди-ку?! Айримлари «фармойиш» сохталигини билгач ҳам ҳеч кимга мурожаат қилишмади. Бу улар Ў. Қўйчиевга тутқазган пуллар меҳнат билан йиғилмаганининг исботи эмасми? Ҳалол меҳнат эвазига келган бир сўмини йўқотган киши қанча азият чекади? Улар-чи?!

Тергов жараёнида Маҳмуд Қўйчиевга оид ҳам кўп гап айтилди. Жумладан, И. Дилмуродов пулни ота-ўғилларга берганини, бошқалар ҳам бир неча марта унга рўбарў бўлишганини таъкидлашади. Бироқ унинг осонгина пенсияга чиқиши (тағин область аҳамиятига молик шахсий пенсионер), Ўктам фармойишлар битган бланкалар қаердан олингани наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмади?! Тўғри, терговчи область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг ҳужжат бланкалари қандай қилиб Ў. Қўйчиевнинг қўлига тушганини аниқлашни жиноят қидирув бўлимидан талаб қилган. Улар ва сўнгра суд ҳайъати ҳам товламачининг «кўчада турган машинадан олдим» деганига ишониб кўя қолишган. Бу ижроком дачасининг директори бўлиб ишлаган М. Қўйчиев билан боғлиқ эмасми?

Терговда, сўнгра судда воситачилик билан шуғулланган М. Ёқубовага ҳеч қандай эътироз билдирилмади. У коммунист бўла туриб, нега жиноятчи билан шериклик қилди?

Ў. Қўйчиев билан тил бириктирган, машинасини қимматроққа пуллаш фикрига тушган Акмал Алиев ҳам «даъвогар»лар сафига киритилган. Эҳтимол ошхоналар трестидаги акалар 56-буфет сотувчиси А. Алиевни кўкларга кўтариб мақтаб берган характеристикалари бунга сабаб бўлгандир?

Партия аъзоси бўла туриб, Ў. Қўйчиев кейинги пайтда ҳеч қаерда ишламас эди. Наҳотки, унинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмади? Қолаверса, жамият учун ҳеч фойда келтирмаган бу шахс қандай қилиб коммунистлар сафига суқулиб кирганди?

Меҳнатсиз даромадларга қарши кескин кураш кетаётган пайтда тергов органлари, суд бир тўда жиноятчиларни сийлагани ажабланарлидир. Катта миқдордаги пулни қаердан олишгани ҳақидаги декларацияни нега талаб қилишмади? Ҳуқуқ-тартибот органларида ишловчиларнинг уларга раҳмлари келган бўлса не ажаб?!

Бундан сал олдинроқ Самарқанд шаҳридаги Сиёб район халқ суди ҳам худди шундай масалани қараб чиқди. Одамларга квартира ваъда қилиб, товламачилик йўли билан пул жамғарган Раҳмонқул Усмонқулов 12 йилга озодликдан маҳрум этилди. Бу ерда ҳам суд «шерик»ларга нисбатан ажрим чиқармади. Бу эса ана шундайларга эрк беришдан бошқа нарса эмас.

Ҳар иккала воқеа, бошқа бир муҳим муаммо ҳақида бош қотириш, зарурлигини кўрсатади. Нега одамлар қинғир йўл билан квартира, машина олишга уринишади? Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, Самарқанд шаҳар ижрокоми, Боғишамол, Сиёб, Темир йўл район Советлари ижроия комитетларининг шу соҳадаги ишларида тартиб йўқ. Баъзи одамлар ўн йиллар давомида навбатда туришади, айрим «чаққон»лар эса бир ойда иш битиришади. Ҳуллас, бу ниҳоятда жиддий масалани атрофлича ўрганиш ва амалий хулоса чиқариш керак.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

спорт

ГИМНАСТИКА:

ФАХРЛИ УРИН

Шанхай шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда болгариялик эгизаклар — Адриана ва Камелия Дунавскилар 1- ва 2-ўринларни эгаллашди. Тошкентлик М. Николаева арғамчи (9,80 балл), булава (9,90), лента (9,85) билан машқ бажаришда ва кўпкураш (39,30) бўйича муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди. У тўртта бронза медалини қўлга киритди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ. Учинчи группага кирувчи командалар ўртасида навбатдаги саралаш учрашувлари ўтказилди. СССР терма командаси Норвегия футболчиларини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни Литовченко, Беланов, Блохин, Хидиятуллинлар киритдилар. ГДР—Исландия командалари учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди. Ҳозир совет футболчилари 5 очко билан группада ғолиблик қилишмоқда. ГДР командасида 3 очко бор.

ИККИНЧИ ЛИГА. Зона ғолиблари ўртасида иккинчи тур ўйинлари ўтказилди: «Красная Пресня» — «Крылья Советов» — 0:1, «Геолог» — «Мелиоратор» — 2:0, «Заря» — «Соҳибкор» — 2:0. Халқободнинг «Соҳибкор» футболчилари иштирок этаётган группада Ворошиловграднинг «Заря» коллективи 4 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Энди соҳибкорчилар 1 ноябрь куни ўз майдонларида Саратовнинг «Сокол» коллективи билан учрашадилар.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари (фан докторлари ва кандидатлари): автомобиллар техник эксплуатацияси, йўлларни лойиҳалаш ва тадқиқ этиш, жисмоний тарбия ва спорт;

назарий механика кафедраси профессори;

кафедра доцентлари (фан кандидатлари): рус тили, йўлқурилиш материаллари, машина деталлари ва машина механизмлари назарияси;

кафедра катта ўқитувчилари (фан кандидатлари): илмий коммунизм, марксча-ленинча фалсафа, олий математика, йўлларни лойиҳалаштириш ва тадқиқ этиш, чизма геометрия ва графика, йўл машиналари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш, рус тили, автотранспорт экономикаси ва уни ташкил этиш, йўл хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, электротехника ва электроника асослари;

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, автотракторли двигателлар; чизма геометрия ва графика, олий математика, материаллар қаршилиги, қўприклар ва тоннеллар;

рус тили кафедраси ўқитувчиси.

ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ УЧУН

олий математика кафедраси ассистенти.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

1986—1987 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига тугалланган ўрта маълумотга эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, хўжаликлараро корхона (ташкилотлар), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Меҳнат стажига эга бўлиб, мактабни 1986 йилда битирганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), иш жойи ёки ҳарбий қисмдан характеристика, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари томонидан тасдиқлаган кўчирма, медицина справкаси (286-форма), 8 дона фотосурат (3х4 см).

Паспорт ва ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.
Суҳбат 20 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.
Тингловчилар сафига қабул 24-30 ноябрда.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Барча факультетлар учун математика ва физикадан суҳбат ўтказилади. Архитектура факультети учун математика ва расмдан суҳбат ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битирув имтиҳонини муваффақиятли топширганлар институтнинг кундузги бўлимига қуйидаги ихтисослар бўйича қабул қилинади: қишлоқ турар-жойлар архитектураси ва планлаштириш, саноат ва граждан қурилиши, қишлоқ хўжалик қурилиши, шаҳар қурилиши, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, сув таъминоти ва канализация.

Мурожаат учун адрес:703045, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70-уй, СамДАҚИ, тайёрлов бўлими. Телефонлар: 3-20-25, 3-21-41, қўшимча 3-74.

СССР Давлат агросаноат комитети

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1986 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги аспирантура: техник экинлар (пахтачилик), қишлоқ хўжалик чорва моллари кўпайтириш, хусусий зоотехника (чорвачилик);

сиртқи аспирантура: иқтисодий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини қўллаш ва математик методлар, қишлоқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш (2 ўрин).

Аспирантурага кирувчилар танлаган ихтисосларидан, КПСС тарихи ва чет тилларининг биридан (олий ўқув юрти программаси ҳажмида) **кириш имтиҳони топширадилар.**

Аспирантурага кириш ҳақида институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (фотосурат билан), сўнгги иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломдан нусха, (зачет ведомостидан кўчирма билан бирга), эълон қилинган ишлари рўйхати ёки танлаган ихтисоси бўйича реферат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойида тасдиқланган).

ҲУЖЖАТЛАР 21 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1 декабрда бошланади.

Мурожаат учун адрес: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/X да **Раймонда**, 1/XI да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/X да **Куёв**, 1/XI да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/X да **Гулсара**, 1/XI да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/X да **Шайтон фаришталари** (рус тилида, 19.00).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг илмий ходими, филология фанлари кандидати Ж. Жумабоевага онаси

Сўнажон ОҚНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими М. Алимовага синглиси

Мастура НАЖМИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-54-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Тингланг, томоша қилинг — 31 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

ТВ

МОСКВА-I. 9.00— «Время». 9.45— «Концерт залида —мактаб ўқувчилари». 10.30 —Сиёсий театр. 11.50 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 —Ҳужжатли фильмлар. 16.05— Концерт. 16.25 —«Рус тили». 17.00 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм. 18.05 —Рус музейи. 18.35 — Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати. 19.05 —Мультфильм. 19.15 «—Дунё воқеалари». 19.30 «Қайта қуришга нима халақит беради?». 20.00 — Концерт. 21.30—«Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.45 — «Дунё воқеалари». 24.00 — «Кинотомошабин ҳамроҳи».

МОСКВА-II. 9.00— Гимнастика. 9.15 —Телефильм. 9.35 — Тарих. 10.05 —Инглиз тили. 11.05 —Илмий-оммабоп фильм. 11.35—Ўқув кўрсатуви. 12.05 —«Онамларнинг мактаби». 13.05—Фридерик Шопен. 14.20—Ҳужжатли фильм. 15.15 —Драматургия ва театр. 16.00 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.50 — Баскетбол. «Галатасарай» (Туркия) —«Жальгирис» (Каунас). 19.30 —«Саёҳатчилар клуби». 20.30 —«Хайрли тун кичкинтойлар!». 20.45 —Ганбол. МАСК—АСК (Минск). 21.20 —Ҳужжатли фильм. 21.30—«Время». 22.05. Эстрада томошалари.

ТОШКЕНТ-I. 7.25 —Ритмик гимнастика. 7.50 — «Салом, кичкинтойлар!». 8.00 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 8.20 — «Тонгги тароналар». 8.30 — «Ахборот». 8.50 —Телефильм. 16.35 —Ботаника. 17.10 —Телефильм. 17.25 —Ўзбек совет адабиёти. 18.00 Янгиликлар. 18.15—«Ёшлик». 18.45 —Телефильм. 19.00 —«Дала, ҳовли юмушлари». 19.30 —«Ахборот». 19.50—«Ҳужасизликка қарши кураш». 20.20 —Телефильм. 20.30—«Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 —«Время». 22.05—«Дўстлик экрани». 23.05—Телефильм. 23.30 —«Бугун оламда нима гап?».

ТОШКЕНТ-II 19.30 — Кинокўрсатув. 20.10 —Ритмик гимнастика. 20.30 —«Ўзбекистон» Тележурнал. 20.40 «Китоб дўстларимиз». 21.30 «Время».

Р

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Меҳнат шарофат». Концерт. 9.30 — «Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар». 10.15 — М. Соҳибов куйлайди. 11.15 — «Юность». 12.10 — «Строитель Узбекистана». 13.00 — «Чорвадор». 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — «Гулдаста». 16.00 — «Дўстларимиз овози». 18.15 — «Депутат ва ҳаёт». 18.30 — Ўзбекистон композиторларининг квартетлари. 19.25 — «Ёшлик». 21.15 — «Пахта далалари илғорлари, Сизлар учун». 22.30 — «Тўртинчи». Радиоспектакль.

Р. 09090. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 246. ИНДЕКС 64583.